

kr 82.3
27.17

Хикоятлар



ЎЛИМДАН ҚУТҚАРГАН УЧТА ЯХШИЛИК

*Онани мамнун қилган, номусини
сақлаган, ишчининг ҳақини эҳти-
ёт қилган уч одам ҳақида.*

Бу ҳикоя Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган Ҳадиси Шарифларда пайғамбаримиз (с.а.в.) тарафидан айтиб берилган бир ҳикоядир. Расули Акрам (с.а.в.) шундай демишлар:

– Сиздан аввалги умматлардан уч киши йўлга чиқдилар. Тунаб қолиш учун бир ғорга кирдилар. Тонг отгач, йўлни давом эттирмоқчи бўлдилар. Фавқулодда тоғдан бир қоя кўчиб, юмалаб тушди ва ғорнинг оғзини беркитиб қўйди. У уч одам:

– Энди дунё билан алоқамиз узилди. Ишимиз Аллоҳга қолди. Бизни бу ердан фақат Аллоҳ қутқаради. Ҳозир ҳар биримиз Аллоҳ йўлида қилган хайрли ишларимизни хотирлаб, Аллоҳдан бизни бу фалокатдан қутқаришини тилайлик, қудрати ила қутқарсин, – дедилар.

Улардан бири:

– Аллоҳим! Менинг жуда кексайиб қолган онам ва отам бор эди. Уларга едириб-ичиргандай, ҳеч кимга едириб-ичирмас эдим. Бир кун ўтин йиғиш учун узоқларга бордим. Келсам улар қаттиқ ухлаётган эканлар. Келиб уларнинг овқатини тайёрладим, лекин уларни уйғотмадим. Овқатни тайёрлаб, уларнинг уйғонишларини кутдим. Болаларнинг қоринлари очиб, овқат сўрай бошладилар, аммо ота-онам ҳурмати уларни олдин овқатлантирмадим. Шу аснода улар уйғонишди. Оқшом пайтидан бери дастурхон олдида кутиб ўтиргандим, ниҳоят улар уйғонишганида овқатларини едилар, сут ичдилар. Аллоҳим! Агар бу ишимни сенинг розилигинг учун қилган бўлсам, бу туткундан бизни қутқар, – деди.

Тош озғина сурилди.

Иккинчи одам бундай деди:

– Аллоҳим! Амакимнинг бир кизи бор эди, уни жуда яхши кўрар эдим. Унга уйланишни хоҳлардим, аммо киз рози бўлмади. Орадан бир йил ўтгач, жуда қаттиқ очарчилик бўлди, у киз очликдан ўламиз, ёрдам беринг, деб олдимга келди. Менга тегиши шарт билан кизга 120 олтин бердим, у эса қабул қилди. Ошиқиб кутганим фурсат ҳам келди. Шунда у, «Эй, амакимнинг ўғли, Аллоҳдан кўрқ-да, менга қўл чўзма, гуноҳга сабаб бўлма», деди.

У мен учун аёллар ичида энг суюкли бўлишига қарамай, қанча вақт бетоқат кутган бўлсам-да, унинг ишқида ёнсам ҳам ўша дамда ундан ўзимни олиб қочдим, яқин келмадим. Берган олтинларимни унга ҳадя этдим. Аллоҳим! «Агар қилган бу ишимни сенинг розилигинг учун қилолган бўлсам, бу фалокатдан бизни қутқар», деди.

Қоя яна бир оз силжиб, ғор оғзи сал очилди.

Учинчи одам:

– Аллоҳим! Пулга ишчи мардикор ёлладим. Мардикорларнинг ҳақларини бердим. Фақат биттаси пулини олмай, ишни ташлаб кетган эди. Унинг оладиган пулига мол олиб, унинг номидан боқтирдим. Унинг ҳисобидаги моллар кўпайди. Бир қанча вақт ўтиб, ул мардикор мени излаб келди ва «Сенда хизмат ҳаққим қолган эди, бер», – деди. «Шу кўриб турганинг – сурувлар, туя, сигир, қўйлар – бари сеники, олиб кетавер», – дедим унга.

У бўлса, «Аллоҳимнинг қули! Мени мазах қилма», – деди. «Мен ҳазил қилаётганим йўқ, ҳаққингни айтмоқдаман. Бу моллар сенинг иш ҳақинг ҳисобига олинган моллардан кўпайган», – дедим. Шундан кейин у барча молларни олиб кетди, қаршилиқ қилмади. Аллоҳим! Агар бу амалимни сенинг учун, сенинг розилигингга ноил, муяссар бўлиш учун қилолган бўлсам, бу мусибат, бу фалокатдан бизни қутқар, – деди.

Қоя яна бир бор сурилди ва улар фалокатдан қутулдилар.

ТАБИБДАН «НОРОЗИ» БЎЛГАН БЕМОР

Абу Али ибн Сино машхур табиб бўлиб ҳамма дардларни даволар эди. Шунақа одат бор эдики, ҳар қаердан келган беморларни Ибн Сино юрадиган йўлга ўтказар эдилар. Эрталаб тонг отгандан кейин Ибн Сино ўз уйидан ташкарига чикиб, касалларнинг ҳолаҳволи билан танишиб чикиб, «Мана бу одам бунақа касал ва унинг давоси бунақа» дер эди. Бир куни Ибн Сино беморларни кўраётганда бир дардманднинг олдида тўхтади ва синчковлик билан қаради, унинг қа-сали тўғрисида ҳеч нима демади-да, бошқа беморларни кўришга ўтиб кетди. Ибн Синонинг бу муомаласидан беморда галати ҳолат вужудга келди. Дардманд киши тирикликдан кўнгил узди, даволаниб сиҳат-саломат бўлишдан қўл силтаб, тезроқ уйга олиб боришларини истади.

– Эй азизларим, менинг ишим тамом бўлди, энди менга кафан, тобут тайёрланглар, дардимнинг давоси йўқ экан. Абу Али ибн Сино шунинг учун менга аҳамият бермасдан, ҳеч нима демай ўтиб кетди.

Касалманд киши ўзининг ўлимини кутиб уйда ўтирган эди, уйнинг бурчагидаги тешикдан бир илон чикиб, уйда сайр қила бошлади. Шу вақтда уйнинг ўртасидаги косада сут турган эди. Илон косадаги сутга яқинлашиб, сутни ичди ва бир неча марта ағдарилиб, буралиб ўйнаб, яна косага ичган сутини қайт қилди. Илон уй тешигига қайта кириб, ғойиб бўлганидан кейин беморга бир фикр келди. «Менинг ўлимим яқин экан, косадаги сутни ичиб, тезроқ жонимни азобдан халос қилайин».

У аниқ бир қарорга келди ва косадаги сутни ичиб юборди. Лекин бир неча соатдан кейин унинг дарди таскин топиб, соат сари аҳволи яхшилана бошлади, беморда соғ ва саломат шифо топиш умид-истаги пай-

до бўлди. Бир неча кундан кейин эса ўз яқинларидан Абу Али ибн Синонинг йўлига ўтказишларини сўради. У табибга норозилигини баён қилмоқчи бўлди. Уни Ибн Синонинг йўлига ўтказдилар. Ибн Сино уйдан чиқиб уни кўрди ва ҳайратланиб сўради:

– Эй йигит, сен илоннинг қайтини қайдан топдинг?! Сенинг дардингнинг давоси илоннинг қайти эди, сен уни қандай топдинг? Уни топиш кийин эди, шунинг учун айтмагандим.

Бемор бошидан ўтган воқеани батафсил Абу Али ибн Синога ҳикоя қилиб берди.

ГЎДАК БОЛА УЧУН ҲОКИМЛИҚДАН ҲАЙДАЛДИ

Ҳазрат Умар (р.а) мўминларнинг халифасидир. У бутун мақсад ва ғоясини ислом адолатини ер юзига танитишга бағишлаб, бир ҳокимни тайинлаганди. У ҳокимлик авроқини (шаҳодатини) олмоқ учун халифа ҳазрат Умар (р.а.)нинг хузурига келди. Ул валиликка номзод ўз ҳужжатини олган вақтда бир бола кириб келиб, халифанинг кучоғига бориб ўтирди. Халифа Умар (р.а.) ҳам болани хуш кутиб олиб, юзидан ўпди.

Ҳокимликка номзод боланинг халифа яқинларига алоқаси йўқлигини билиб, ўз ақлига кўра ҳовлиқиб:

– Ё, Амирал Мўъминин! Сиз болаларни севиб ўпасизми? Менинг роса 9 та фарзандим бор, уларнинг ҳеч бирини шу кунга қадар кучоғимга олиб эркатламаганман, – деди.

Бунни эшитган ҳазрат Умар (р.а.):

– Қани ҳокимлик ҳужжатингни бир кўрай, – деди ва ундан авроқини олиб йиртиб ташлади.

– Сени валилик (ҳокимлик)дан четлатдим. Кимки ўз авлодига марҳамат этмаса, ҳеч қачон халқига ҳам марҳамат қилмас, – деди ва уни хузуридан қувиб чиқарди.

СОЛИҲ АМАЛЛАР ҲУРМАТИ

Зохид Бармакий (р.а.) шундай ривоят киладилар:

Бир шаҳарга кетаётган эдим. У ерга етиб бормасимдан окшом бўлиб қолди. Яқиндаги бир қабристонга бориб етдим. Ўша кеча жума кечаси эди. Туш кўрдим. Тушимда қабр ахли (ўликлар) гўрларидан чикиб, давра қуриб ўтирдилар. Бир пайт осмондан уларга лаганларда ҳар хил егуликлар, тугунларда кийимлар келди. Уларнинг орасида бир йигит ҳам бор эди. Бироқ у бошқаларга сира ўхшамасди, жуда хомуш кўринарди. Унга кўкдан на емиш, на кийим-кечак тушганди. Бу ҳолдан ажабланиб йигитдан сўрадим:

– Ҳой йигит, нега бу ҳолатда ўтирибсан?

– Эй шайх ҳазратлари, бу шерикларимнинг дунёда ўз яқинлари, биродарлари бор. Улар солиҳ амаллар қилишади ва ана шу амалларнинг савоби ҳар жума окшоми буларга етиб келади. Аслида булар еяётган таомлар ва кияётган кийимлар ўша яқинлари қилаётган садақа, дуо ва истиғфорларнинг шарофатидир. Менинг эса дунёда онамдан бошқа ҳеч кимим йўқ. Отамнинг вафотидан кейин онам ҳам бошқа бировга тегиб кетди, мени унутди. Эй шайх ҳазратлари, эртага шаҳарга борганингизда фалон маҳаллага кириб онамни суриштиринг. У фалон уйда яшайди. Аслимизни суриштирадиган хиндистонлик эканлигимизни айтиди. Унга менинг ҳолимни тушунтиринг. Зора, бир яхши амаллар қилиб мени эсласа...

Эрталаб туриб шаҳарга бордим. Айтилган маҳаллани ва уйни топиб эшигини тақиллатдим. Бир аёл чиқди. Ундан сўрадим:

– Қаерлик бўласан?

– Хиндистонликмиз.

– Бу ерда бирор яқининг борми?

– Йўқ. Биргина ўғлим бор эди, у ҳам ўлиб кетди. Уни ҳам унутиб юборгандим. Мана ҳозир сиз эсимга солдингиз.

Хотин йиғлай бошлади. Тушимда кўрганимни унга айтиб, ўғлининг аҳволи ёмонлигини тушунтирдим.

Хотин ичкари кириб ўн минг дирҳам акча келтириб менга берди:

– Буни факир, мискин бечораларга тарқатинг, – деб илтимос қилди.

Унинг айтганини қилдим. Шаҳардаги ишимни бигириб, қайтишимда яна ўша қабристонда ётиб қолдим. Тушимга яна қабр аҳли кирди. Ҳалиги йигитнинг юзидаги маҳзунлик аломати йўқолган, жуда хурсанд эди.

МАЖУСИЙ ҲАМ АЛЛОҲНИНГ ҚУЛИ

Иброҳим алайҳиссалом ҳеч вақт меҳмонсиз овқат емасдилар. Оқшом тушиши билан эшигининг олди-га чиқиб, бирор меҳмон келишини кутардилар. Агар меҳмон келмаса, ўзлари меҳмон кидириб, кўча айланардилар. Топса, уни олиб келиб бирга овқатланишар, тополмаса ўша кеч овқатланмай оч ётардилар.

Кунларнинг бирида Иброҳим алайҳиссалом яна дастурхон тузаб ўтирганларида бир мажусий (оташпараст) келди ва:

– Эй, Иброҳим, бу кеча сенинг меҳмонинг бўлгани келдим, – деди.

Иброҳим алайҳиссалом унга жавобан дедилар:

– Кел, мусулмон бўлгин, кейин сени меҳмон қилай.

– Ундай дема, – деди мажусий. – Мени Аллоҳ учун меҳмон қил. Борадиган бошқа жойим йўқ.

Бирок Иброҳим алайҳиссалом уни уйига қабул қилмади. Чорасиз қолган мажусий кетиб қолди. Шу пайт Аллоҳ Таолодан пайғамбарга бир нидо келди:

– Эй Иброҳим, мен у қулимнинг ризқини етмиш йилдан бери бериб келаман. Лекин бир марта ҳам айбини юзига солиб ризқини кесмадим. Сен эса уни айби билан юзига урдинг, бир кеча бўлса ҳам меҳмон қилмадинг.

Шошиб қолган Иброҳим алайҳиссалом мажусийни кидириб кўчага чиқдилар. Уни топиб, ёлворгансимон дедилар:

– Кел, менинг меҳмоним бўл.

Мажусий хайрон қолди:

– Сал олдин меҳмонинг бўлиш учун мен сенга илтимос қилган эдим. Энди эса сен менга ёлвораяпсан. Бунинг сабаби нимада?

Иброҳим алайҳиссалом шундай дедилар:

– Сени меҳмонликка қабул қилмаганим учун Аллоҳ Таоло менга танбеҳ берди. Пайғамбар ҳазратларидан бу сўзни эшитган мажусий шундай хитоб қилди:

– У нақадар бир буюк Тангри эканки, душмани учун дўстини қойиса, унга танбеҳ берса. У ҳақ-рост Тангри экан, мен унга ишондим.

Мажусий шундай деб, шу ерда калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлди.

МАЗЛУМНИНГ ҲАҚИ

Буюк олим Иброҳим ҳаққи ёшлигида олим ва авлиёуллоҳ зот бўлган Исмоил факируллоҳ ҳазратларининг қўлларида таҳсил ва тарбия олган. Бир кунни домласи уни чақирди. Кичкина Иброҳим югуриб келди:

– Лаббай, устоз?

– Шу кўзага булоқдан сув олиб келгин...

Иброҳим кўзани олиб булоққа борди. Кўза тўлди-раётганида бир яничар отлиқ келди ва:

– Қани, нари тур, – деб Иброҳимни итариб юборди. Иброҳимнинг кўзаси тушиб синди. Иброҳим йиғлаб устознинг ҳузурига келди. Устози сўради:

– Нима бўлди, ўғлим?

– Булоқдан сув олаётувдим. Бир отлиқ келиб итариб юборди, кўза қўлимдан тушиб синди.

– Кўзани синдирган у одамга ҳеч нима демарингми?

– Йўқ, ҳеч нима демарим.

– Бир оғиз ҳам гапирмадингми?

– Йўқ.

– Тезда у ерга югуриб бориб отлиққа бирор нарса дегин ва яна тезда орқангга қайт.

Исмоил факируллохнинг бундай деб буйрук беришидан ҳамма ҳайрон қолди. Иброҳим ҳаққи югуриб булок бошига келди. Ҳалиги отлик отини юварди. Иброҳим анчагача талмовсиранди, лекин ҳеч нарса деёлмай қайтиб келди. Устози:

– Гапирдингми? – деб сўради.

– Йўқ...

– Вақт ўтказмай югур. Унга бирор ёмон гап айтиб кел!

Иброҳим ҳаққи югуриб булокқа келди. Қараса уни итарган отлик ерда ётибди. Унинг ёнига яқинлашди. Отлик боши ёрилган ҳолда беҳуш ётарди. Бу ҳолатдан юраги ёрилаёзган Иброҳим устозининг ёнига келди. Устози яна сўради:

– Бирор нарса дедингми, Иброҳим?

– Йўқ, устоз. Бу сафар борганимда боши ёрилган, қонга беланиб ётган экан. Пешонасида от туёғининг изи кўринаяпти.

Исмоил ҳазратлари:

– Эҳ, ўғлим, биргина кўза учун бир одамни ўлдиртирдинг! Бу энди қандок бўлди?! Унга бир оғиз сўз, бир оғизгина ёмон сўз айтганингда эди, бу ҳодиса рўй бермас эди..., – дедилар.

Исмоил факируллох ҳазратларининг атрофидагилар:

– Устоз, айтган гапингизни унча яхши тушунмадик? – дейишди.

– Ҳа, – деди Исмоил факируллох ҳазратлари. – Бир золим бир кишини ҳафа қилса, йиғлатса-ю, озор топган мазлум золимга қарши ҳеч нарса қилолмаса, мазлумнинг озор топгани, кўнгли чўққани учун Ҳақ Таоло у мазлумнинг ҳаққини ўша золимдан албатта олади. Иброҳим ҳам кўзаси сингач, ҳеч бўлмаса у отликқа:

– Нима қилиб қўйдинг? – деганда эди, у одам отининг тепкисидан омон қоларди.

БОЙ ХОТИННИНГ ДАВЛАТИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида Ҳайфо исмли бир хотин бор эди. Жуда хушрӯй ва бой эди. Уттиз уч ёшда бўлса ҳам, турмуш курмаган эди.

Бир куни Расулуллоҳнинг ёнларига бориб:

– Ё Расулуллоҳ, менга бир иш ўргатинг, у иш сабабидан беҳиштга кирайин, – деди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом:

– Эй Ҳайфо, эрга тег, ундан сўнг сенга бир иш ўргатаман, – дедилар.

Ҳайфо:

– Менга подшоҳдан икки юз қизил тилло даст паймон учун берайин, деди. Мен қабул қилмадим. Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳам шундай дедилар. Бирок кўнмадим. Ихтиёр сизда. Сиз мени кимга лойиқ кўрсангиз, ўшанга тегаман нажоти охират бўлса, – деди.

Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом саҳобаларига юзландилар, уларнинг барчасида Ҳайфога уйланиш истаги бор эди. Бирок ўртада норозилик бўлмаслиги учун адолат юзасидан Расулуллоҳ алайҳиссалом айтдилар:

– Эй саҳобаларим, эртага бомдодга ким олдин келса, Ҳайфони ўша кишига никоҳлаб бераман.

Ҳамма саҳобалар рози бўлиб тарқалишди. Кечаси Ҳақ Таоло уларни уйкуга юборди, тонгдан бурун уйғона билмадилар. Уйғонганлари ҳам йўлда таҳоратлари синиб, кеч қолишди. Расулуллоҳ алайҳиссалом давлат кимга насиб бўлишини кутиб, эрталаб масжидга келиб ўлтирдилар. Ногоҳ Суҳайб исмли ғариб бир саҳоба масжидга кириб келди. Расулуллоҳ алайҳиссалом салом берди. Суҳайб Румийнинг жондан ўзга нарсаси йўқ эди. Кўриниши коп-қора эди, лаблари осилган, бўйи жуда узун, ориқ киши эди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом бомдод намозини ўқигандан сўнг саҳобаларига Суҳайб ҳаммадан олдин келганини айтдилар. Асҳоблар:

– Ё Расулуллоҳ, Ҳайфо Сухайбга то жон муносиб турур, – дейишди. Шунда Ҳайфо Сухайбга каради, бир замон ўйланди, сўнгра:

– Ё Расулуллоҳ, қабул қилдим, – деди Расулуллоҳ алайҳиссалом никоҳ ўқиғач:

– Сухайб, уйингга олиб боргин, – дедилар. Сухайб эса:

– Ё Расулуллоҳ, менинг уйим масжид, – деди. Шу вақт Ҳайфо:

– Юринг, менинг бир саройим бор, уни сизга ато этдим, – деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом Ҳайфони дуо қилдилар, саҳобалар «омин» дейишди.

Ҳайфо Сухайбни олиб уйга борди. Кеч бўлди, Ҳайфо Сухайбнинг қўлидан тутиб айтди:

– Эй Сухайб, мен сенга неъмат олиб келдим, бу неъмат шукронаси учун бу кечани тоат ва ибодат билан ўтказгин. Мен сабр қилайин, бу кечани мен ҳам тоат ва ибодат билан ўтказайин. Сен шокирлардан бўл, мен собирлардан бўлайин, – деди. Сухайб таклифни қабул қилди.

Иккаласи қайта таҳорат олиб, тонг отгунча тоат-ибодатга машғул бўлдилар. Тонг отгач, Сухайб масжидга югурди.

Шу вақт ҳазрати Жаброил, алайҳиссалом, Сухайб воқеасини Саййиди оламга баён қилди. Саййиди оламга Аллоҳ Таолога айтди: «Сухайбни ёрлақадим, беҳиштни вожиб қилдим, дийдоримни унга мушарраф қилурман», деди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом Аллоҳ Таолонинг бу ваъдаларини Сухайбга айтдилар. Сухайб хурсандлигидан бошини саждага қўйиб: «Эй Аллоҳим, бундай давлатни менга бердинг, энди мени гуноҳга булғатмай туриб жонимни ол», деди. Дуоси мустажоб бўлди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом саҳобаларига: «Сухайбдан хабар олинглар, Ҳайфо ҳам жон бергандир», дедилар. Бориб кўришса, у ҳам ўлибди. Иккиси учун ҳам жаноза ўқилиб, бир жойга дафн қилинди.

* * *

Амир Темур Форс вилоятини забт этгандан кейин Шерозга келади. Ҳофиз Шерозийни ўз ҳузурига чақиртиради. Амир Темурга яқин шахслардан бири дарров Ҳофизни топиб келади. Ҳофиз жулдур кийим кийиб, факирона ҳаёт кечириб юрган экан. Амир Темур шоирга разм солиб:

– Эй Ҳофиз, мен Бухоро билан Самарқандни обод қилиш мақсадида қилич кўтариб, оламни хароб қилиб юрибман-у сен бу иккала шаҳарни битта ҳинду холига бағишлаб:

*Агар кўнглимни банд этса ўшал Шероз жонони
Ҳинду холига бахш этгум Самарқанду Бухорони, –*

деб шеър ёзасанми? – деса, Ҳофиз:

– Султоним, сахийлигим туфайли шу аҳволга тушиб юрибман-да! – дебди.

* * *

Камол Хўжандий ўз шеърларида «ит», деган сўзни, Ҳасан Деҳлавий «дилоромим», деган сўзни кўп ишлатар экан. Биров бу иккала шоирнинг девонини битта муқовага солиб, қўлтиғига қистириб бораётган экан, бир шоир:

– Ҳой биродар, бу иккала девонни бир-биридан дарҳол ажратиб қўй, бўлмаса Камол Хўжандийнинг итлари Ҳасан Деҳлавийнинг дилоромини еб қўяди-я! – дебди.

* * *

Кўпқари пайтида бир от бошқа отлардан ўзиб кетибди. Бир одам хурсандчиликдан чапак чалиб, қийқириб юборибди. Шунда унинг ёнида ўтирган киши:

– От сеникимидир – деб сўраса, ҳалиги одам:

– От-ку, меники эмас, аммо бўйнидаги югани меники! – деб жавоб берибди.

Бир бойнинг уч хотини бўлиб: бири эронлик, бири араб, бири курд экан. Хотинлар уни ҳар куни эрта саҳарда намозга уйғотишаркан.

Бир куни эронлик хотини намозга уйғотганида у хотинидан:

– Маликам, тонг отганини қаёқдан биласан? – деб сўраса, эронлик хотини:

– Тонг чоғи димоғимга гулу райҳонларнинг хушбўй хиди, қулоғимга қушларнинг ёқимли навоси кириб, уйғониб кетаман, – дебди.

Иккинчи куни бой араб хотинининг уйида бўлган экан, унга ҳам шу саволни берибди.

– Бегим, тонг чоғи бўйнимдаги марваридимга шабнам тушганидан сесканиб уйғониб кетаман, – дебди.

Учинчи куни курд хотининикида тунаган бой:

– Қани айт-чи, маликам, кун ёришганини сен қаёқдан биласан? – деса, хотини:

– Саҳарда заҳар танг қилиб уйғониб кетаман ва шундан тонг отганини биламан, – дебди.

ҚАРҒА ҲАҚОЯСИ

«ПАНЧАТАНТРА» ДАН

Бир маҳал мен оғочда яшардим. Пастда эса бошқа қуш – қаклик турарди. Қўшни бўлгач, бузилмас аҳд туздик. Кечки овқатдан сўнг, барча қундузги ташвишлар тутагач, биз оқшомни бирга ўтказардик – пуранлар ва бошқа китоблардан бир-биримизга кўплаб ҳикматли сўзларни айтирдик. Савол-жавоб қилар, топишмоқлар ечардик, ҳулас, доноларнинг машғулотлари билан шуғулланардик. Бир куни қаклик бошқа қушлар билан бирга шолизорга кетди-ю, анчагача ҳаяллаб қайтавермади. Шунда унинг келмаётганидан дилгир бўлиб, ўйладим: «Эвоҳ! нега дўстим қаклик бугун қайтмади? Худо кўрсатмасин, тузокқа тушдимикан

ё ҳалок бўлдимикан?» Неча кунларни мана шундай хафагарчилик билан ўтказдим. Бир куни кечкурун Шигҳрага деган қуён унинг уясига кириб олди, мен уни ҳайдаб ўтирмадим, какликнинг қайтишидан умидимни узган эдим. Эртасига жуда ҳам семириб кетган каклик қўналғаси эсига тушиб, уйга қайтиб келди. Қўналғани бошқа биров эгаллаб олганини кўриб, у қуёни уриша кетди:

– Эй қуён! Менинг уй-жойимни эгаллаб бекор қилибсан. Йўқол бу ердан!

Қуён эътироз билдирди:

– Тентак! Қўналғада турмаганингдан кейин у сеники бўлмаслигини билмасмидинг!

Каклик деди:

– Ундай бўлса, қўшнилар орани очди қилсин.

Қонун китобида айтилган:

Талашиб яйлов-қудуқ, жанжал чикса ер устида,

Ўртани яраштиргай шунда фақат қўшнилар.

Аммо қуён эътироз билдирди:

– Тентак! Эшитмаганмисан, ахир:

«Ўн йил турсанг – сеники» – бу удум одамларда,

Ҳайвонларда ўзгача:

«Чангал урдинг – эгасан».

Гарчи бу уй сеники бўлса ҳам, мен унга кирганимда бўш эди, Демак, энди у меники.

Каклик айтди:

– Урф-одат деяпсан, юр, унда биладиганлардан сўраймиз. Майли, улар ўз фикрини айтишсин.

Улар жанжални ечгани жўнашди. Мен эса: «Қани, нима бўларкан», – деб қизиқиб, уларнинг орқасидан бордим.

Бир оз йўл юрганларидан сўнг қуён какликдан сўради:

– Азизим! Ким бизнинг жанжалимизни ҳал қилади?

Қуш деди:

– Жанжалимизни мушук Дадҳикарна ечиб берсин, у барча жониворларга раҳм-шавқатли зот, рўза ва ўзни

тийиш аҳдига қаттиқ амал қилади. У малика Ганганинг соҳилида яшайди, у ерда кучли шамол ҳайдаган дарё тўлқинлари шалдираб кирғокларга урилиб ётади.

Куён узоқдан мушукни кўриб, азбаройи кўркиб кетганидан титраб-қалтирай бошлади:

– Мен бу тубан зот олдига бормайман. Айтилган-ку, ахир:

Мўмин-қобил кўринган ёвузларга ишонма,
Муқаддас булоқларда бўлмасми оч роҳиблар?

Дадҳикарна эса ҳаётини осон таъминлаш учун асл башарасини яширарди, у бу гаплардан хабардор бўлди. Шунда у куён билан какликнинг ишончини қозониш мақсадида шитоб билан тумшугини куёшга тўғрилади, орқа оёғига ўтирди, олдинги оёқларини юқори кўтарди, кўзларини юмди, ўзини ўта такводор кўрсатиб, шундай панд-насихат ўкиди:

– Эвоҳ! Дунё бебақо ва беҳосил! Ҳаёт вафосиз, бир зумда ўтади-кетади. Ҳатто суюкли кишиларнинг дийдорига тўйиб улгурмайсан, ҳаммаси тушга ўхшайди. Оила эса худди Индранинг тузоғидай, шунинг учун, энг тўғри йўл – такво йўлидир. Айтилган-ку, ахир:

*Қутлуғ йўлдан озганлар қунларни совургайлар,
Худди босқон дамидек дам чиқарар, яшамас.*

Ва яна:

*Муҳаббатсиз олимлик – ит думига ўхшайди,
На чивиндан сақлагай, на уятни яширгай.*

Бу мавъизани эшитиб, куён айтди:

– Эй, каклик! Дарё бўйида бир дарвеш қутлуғ гаплардан сўйлаяпти. Ўшандан сўрайлик.

Каклик деди:

– Унинг зоти ўзи бизга душман. Ундан сўрайлик-ку, лекин узоқроқда турайлик.

Сўнг икковлари мушукдан сўрадилар:

– Ҳой, дарвеш! Қутлуғ расм-русумлар билимдон! Ўртамизда жанжал чикди. Бизга удумга кўра йўл

кўрсат. Ким ёлгон сўйласа, сен уни еб қўйишинг мумкин.

Мушук деди:

– Азизларим! Ундай деманглар. Мен дўзахга олиб борадиган ёмон ишлардан тавба қилганман. Айтилган-ку, ахир:

*Ўлдирмаслик улуг иш – фароғатлар манбаи,
Чивиндир, бит, канадир – ўлдирмоқдан
сақланинг!*

Анов мол-ҳолни қурбонлик деб ўлдирадиганлар муқаддас китобларнинг сирли маъноларини тушунмайдилар, тентаклар. Агар пири муршидлардан бири: «Эчкини қурбонлик қилинг», деган бўлса, бу ерда «эчки» сўзи ерга ташласа қўқариб чикмайдиган етти йиллик гурунч донасини билдиради. Айтилган-ку, ахир:

*Айтинг, тўпор ўрмончи ва ё қўли қон қассоб,
Ужмоҳ ҳаёлин қилса, унда дўзах кимгадир!*

Шунинг учун мен ҳеч қайсингизни емайман. Бирок мен қариб қолдим, сизларнинг гапларингизни яхши эшитмай турибман. Ким ҳақ, ким ноҳақ – қандай ажратай? Яқинроқ келиб, менга жанжалингиз боисин айтинг. Шунда нималигини аниқлаб, ўз фикримни айтаман, у дунёнинг жазосидан ҳам қутуламан. Айтилган-ку, ахир:

*Ташла кибр, қўрқинчини, одил ҳукм ўқигил,
Ёлгон ҳукм чиқарган дўзахий бўлур фақат.*

Менга ишонинг ва гапингизни тўғри қулоғимга айтинг.

Кўп сўзга не ҳожат? Бу пасткаш қаллоб уларни ўзига шунчалар ишонтирдик, улар ниҳоят унинг олдига жуда яқин келдилар. Шунда у каклик билан куённи бир зумда ўткир тишлари ва панжалари билан босиб ушлаб олди. Улар иккови шу тариқа мушукка қурбон бўлдилар.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг қирқ нафар вазири бўлган экан. Уларнинг хизмат маошлари икки тилло танга бўлиб, фақат Навоийгагина йигирма тилло ҳақ тўланаркан. Бундан барчалари норизо бўлиб, бир куни подшоҳга арз қилишибди.

– Эй, адолатли давлатпаноҳ! Ҳаммамизнинг сизга содиқ хизмат қилаётганлигимизни ўзингиз яхши биладурсиз. Ҳокимиятингиз арконини мустаҳкамлаш учун ўзимизни сафарбар этганмиз. Эл-улус, раъият ишларида камарбастамиз. Аммо ҳар ойда олатурғон ҳакимизнинг салмоғи камдир. Билурмизки, бу борада адолатли тўлов бузилгон кўринур, нечунки биз ҳам қилатурган вазифалар зайлида шоири замонамизга ўн хисса ҳақ берилур. Сиз ушбу муаммога қандай қарайдурсиз?

– Тўғри, – дебди шоҳ, – бу масалани очик қолдириб бўлмас. Модомики ҳақли жавоб истабсиз, у ҳолда бир саволимга ечим топинг.

Бу шартга вазирлар розилик билдиришибди.

Ҳукмдор кўрсаткич бармоғини бошига қўйибди. Навоий эса худди шу бармоғини тилига босибди.

– Қани, ушбу ишоралардан не маънони англадингиз, жаноблар? – сўрабди Ҳусайн Бойқаро.

Вазирлар ҳеч нарсага тушунмай, лол бўлишибди. Бу ҳаракатнинг маънисини англашга уларнинг фаҳми етмабди. Шунда:

– Сиз не дейсиз, ҳазрат? – деб шоирга юзланибди султон.

– Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз, Тилга эҳтиёт бўлмаган бошини ҳам эҳтиёт қилолмайди, – деб жавоб берибди Навоий.

– Ана, кўрдингизми! – дебди шоҳ вазирларига. – Мен нафақат сидқидилдан қилинган меҳнатга, балки оқиллик билан иш юритганга ҳам ҳақ тўлайман. ақлнинг кадри баландрок турур!..

ОҚИЛА ҚАЙНОНА

Ошпазлиги билан танилган кекса бир аёл кечки пайт келмоқчи бўлган ўғли ва янги келини учун ошхонага кириб, овқат тайёрлаётган эди. Ўша куни унинг бир дўсти ҳам меҳмонга таклиф қилинган эди.

Меҳмонлар дастурхон атрофига ўтирганда, ҳеч қутилмаган ҳолат содир бўлди. Аёл тайёрлаган овқатлар ҳамманинг иштаҳасини бўғадиган даражада бемаза эди. Пиширикларидан ун хиди келар, масаллиқ куйган, гўштлар яхши пишмаган эди. Ўғли, янги келини ва дўсти бечора аёлни хижолат қилмасликка ҳаракат қилишарди. Ниҳоят, овқат еб бўлинди, ўғли ва келини уйларига қайтиб кетишди. Улар кетгач, дўсти сўради:

– Сенинг уста ошпаз эканлигингни биламан. Бугунги овқатларни нега бунчалар бемаза қилдинг? Менимча, ё касалсан ёки бошқа бир дардинг бор.

Кекса аёл кулимсираб жавоб берди:

– Йўқ, мен яхшиман. Атайлаб қилдим. Бугунги овқатдан сўнг ўғлим ҳеч қачон онаси пиширган овқатларни мактаб, хотинини хафа қилмайди.

ДУНЁНИ ТУЗАТИШ

Бир одам якшанба куни бир ҳафтанинг чарчоғини чиқариш учун эрталабдан газетани қўлига олиб, кун бўйи ҳеч нарса қилмасдан уйда ўтиришни режалаштирибди.

Шу пайт ўғли ёнига югуриб келиб, кинога қачон боришларини сўрабди. Дадаси ўғлига сўз берган эди. Аммо отанинг ташқарига чиққиси келмабди. Газетанинг орқасидаги дунё харитасига кўзи тушибди. Олдин харитани бузибди ва ўғлига: «Агар бу харитани тузата олсанг, сени кинога олиб бораман», дебди.

Ўн дақиқадан сўнг ўғли дадасининг ёнига югуриб келибди ва:

– Дада, харитани тузатдим, энди кинога борамиз.

Дадаси олдинига ишонмабди. Қараса, харита бус-бутун. «Қандай қилдинг», деб сўрабди. Боланинг берган жавоби ғалати эди.

– Хаританинг орқасида бир инсон бор эди. Инсонни тузатгандим, дунё ўзидан ўзи тузалди.

МУНОСИБ ЖАВОБ

Ҳорун ар-Рашиднинг икки ўғли бор эди, бири – Амин ўз хотинидан, иккинчиси – Маъмун эса чўри хотинидан эди. Халифа ўзидан кейин чўрисининг ўғли ворис бўлишини истарди. Лекин хотини ўз ўғлини ворис қилмоқчи бўлиб, бунга тўскинлик қиларди. Бир куни Ҳорун ар-Рашид хотинига деди:

– Кел, фарзандларимизни синаб кўрайлик, қайси бири ақллироқ бўлса, ўшани валиаҳд қиламиз.

Ҳорун ар-Рашид иккала ўғли ҳузурига икки ишончли одамни вакил қилиб юбориб, бир хил саволга жавоб беришларини сўратибди:

– Агар сен отанг ўрнига давлат раҳбари бўлиб қолсанг, менга қандай мукофот берасан?

Ҳорун ар-Рашиднинг хотинидан бўлган ўғил – Амин ҳалиги одамни бош маслаҳатчи қилиб оламан, деб ваъда берибди. Чўрининг ўғли Маъмун эса, жаҳли чиқиб, бу саволни берган одамнинг бошига ёғоч сиёҳдони билан урибди.

– Сен аблах, ҳали адолатли отамиз ҳаётлигида шу гапни чиқардингми? Бу ишни қилгунча, бизнинг ўлганимиз яхши! – дебди.

Бу жавобни эшитган Ҳорун ар-Рашиднинг хотини вақти етганида чўрининг ўғли Маъмун халифа бўлишига розилик билдирибди.

Қиссадан ҳисса...

Бир куни арининг кўзи зўр машаққат билан инига дон судраб бораётган чумолига тушди тамагирлиги тутиб унга деди:

– Э, чумоли! Ўзингни бу қадар азобга қўйишинг-

дан муддао нима? Бу балони не сабабдан ихтиёр килдинг? Менинг хаётим, емиш-ичишимга қараб иш тутсанг бўлмайдами? Подшолар дастурхонидаги ҳар қандай таом менсиз ейилмайди. Шамолни миниб учаман, истаган ерга қўнаман, найзамни ёвнинг жигарига санчаман. Хуллас, нимани кўнглим тиласа шуни ейман.

Сўнг парвоз килди ва тўғри қассобнинг дўконига бориб қанордаги осиб қўйилган гўштга қўнди. Қассоб кўлида пичоғини тутиб турган эди, уни мўлжалга олди ва нимталаб ташлади. Шу ерда пойлаб турган чумоллар эса уни судраб кетдилар.

* * *

Басралик бир одамнинг бир неча соғин қўйи бор эди. Лекин ҳар куни кўршапалак соғиб қўйилган сутни ичиб қўяр эди. Қўй эгаси бўлса сутга сув қўшиб, бозорга олиб бориб сотарди. Кунлардан бир куни кўршапалак ҳалиги одамга деди: «Э ҳожа, бундай қилма. Окибати ёмон бўлади». Лекин у қулоқ солмади – сутга сув қўшаверди. Бир куни қўйлар тоғ ёнбағрида ўтлаб юардилар. Бирдан довул кўтарилиб, қаттиқ жала қуйди. Тоғдан сел келиб қўйларни окизиб кетди. Кечкурун кишлокқа чўпоннинг бир ўзи қайтиб келди. Ҳожа ундан қўйларни суриштирди. Чўпон жавоб килди: «Сутга сен қўшган сувлар бир-бирига қўшилиб селга айланди ва қўйларингни окизиб кетди».

* * *

Жаҳон кезган сайёҳлардан бири бундай ҳикоя қилади: йигитлик куч-қувватига тўлган кезларимда бир вақт ёлғиз йўлга чиқдим. Йўлтўсарлардан чўчимадим. Кўп йўл босиб бир пайт чўл ўртасида жойлашган работ олдидан чиқиб қолдим. Работбон нопок ва хунхон одам экан. У доимо ёлғиз йўловчига қўноқ, отига ем-хашак бераркан. Яхши меҳмон қилиб ётқизар, тун яримлагач, эса унинг бошини кесиб,

молу мулкини ўзиники қилиб оларкан. У менга зўр илтифот кўрсатди. Ўзимга кўноқ, отимга ем-хашак берди. Овқатланиб бўлганимиздан кейин: «Шаробга майлингиз қалай?» – деб сўради. «Майли, ҳазми таом учун ёмон бўлмас», – дедим мен унга. Шунда кўза кўтариб қадди алифдек бир бола кириб келди. У работбоннинг ўғли экан. Бола сертакаллуфлик билан соқийлик қилди. Қайфим ошиб, уйку ғолиб келган бир пайт бизга бир хонага жой солиб беришди. Боланинг жойи эшик олдида, меники эса тўрида эди. Бир пайт болага ёпиша кетдим, у қаршилиқ кўрсатди. Олиша-олиша охири ҳолдан тойдик... Мен боланинг ўрнига ўтиб ётдим. Лекин уйкум қочиб кетди. Бир пайт эшик гийкиллаб очилди ва қўлида пичоқ билан работбон кириб келди. Менинг устимдан ҳатлаб ўтиб, боланинг тепасига борди ва устига миниб олиб, бошини шартта кесиб олди. Шундан кейин англадимки, бу бадбахт менинг жонимга қасд қилган экан. Ўрнимдан сапчиб турдим ва қозикқа илиб қўйилган қиличчимни олдим. Уни ғилофдан суғуриб олиб работбонга ташландим. Шунда работбон мени эмас, балки ўз ўғлини ўлдириб қўйганини пайқади. Пичоқни ташлаб дод солди, сўнг тавба-тазарру қилди.

ТЕРАКНИНГ ШАРОФАТИ

Қадимда бир хон яшаган экан. Кунлардан бир кун саройдаги йўғон тўсинни алмаштириш керак бўлиб қолибди. Мулозимларини чакириб, ўзига қарашли ҳудуддан худди шундай йўғонликда тўғри ўсган силлик дарахтни топиб, алмаштиришни буюрибди. Мулозимлар бундай дарахтни роса қидиришибди. Лекин топиша олмабди. Бу ишдан хабар топган бир киши бундай дарахт борлиги ва у бир кампирга тегишли эканини айтибди. Подшоҳнинг одамлари айтилган жойга бориб, дарахтни кесишмоқчи бўлишибди. Бундан хабар топган онахон эшиги олдида ўсган силлик теракни ҳеч кимга бермаслигини айтибди. Аъёнлар бу ишдан

хонни хабардор қилишибди. Хон бу қариянинг қимлигини билиш ва силлиқ дарахтни кўриш иштиёқида бу ерга ўзи ташриф буюрибди.

Бенуксон ва бақувват дарахтни кўриб, Аллоҳ таолога ҳамд айтиб, кампирни яхши сўзлар билан эъзозлаб, дарахтни беришини ва ҳар қандай шарт бўлса, уни бажаришга тайёр эканини айтибди.

Онахон тўғри ўсган тераги туфайли хондек зотнинг унинг ҳузурига келгани ҳурматидан ва унинг одиллигидан хурсанд бўлиб, ўз шартини айтибди:

– Менга терак бўйи олтин берасиз ва ҳафтада бир марта хазинангизга кириб чиқишга рухсат берасиз, – дебди.

Хон бунга рози бўлибди. Кунлар кетидан кунлар ўтар, кампир эса ҳар ҳафта хазинага боришни қанда қилмас, лекин куруқ қайтар экан.

Хон кампирнинг хазинада нима билан машғул бўлишига қизиқибди ва бир куни сездирмасдан уни кузата бошлабди. Онахон хазинага кирганда, фақат шу сўзларни такрорлар экан:

– Оҳ, менинг терагим, тўғри ўсган терагим... Тўғрилигинг туфайли мени ҳам, ўзингни ҳам олтинга ботирдинг. Оҳ, менинг силлиқ терагим...

Хон бу қариянинг сўзларини тафаккур қилиб, бошқариш ишларини янада одиллик билан олиб боришга қарор қилган экан.

БИР ПУФ КАМ БЎЛИБДИ

Бир йигит кулолга шогирд тушди. Анча муддат устазодалик қилгандан кейин устозидан фотиҳа олди ва ўзи мустақил ишлай бошлади. Бирок ҳарчанд уринмасин, ясаган сопол идишлари устозникидек чиройли чикмади. Ниҳоят, у бош эгиб, устоз ҳузурига келди.

– Уста, ясаган кўзаларим сизникидек чикмаяпти, – деди ер чизиб. Устоз шунақа бўлишини биларди. Кейинги пайтда шогирдининг «энди биз устага зор эмас»

миз, ўзимиз уста бўлдик», деб керилганини эшитган эди. Шунинг учун у шогирдга кўза яшанинг кўпгина сирларини ўргатди-ю, аммо синов учун битта сирни яшириб қолди.

– Нима бўлди, қани бир бошдан айт-чи, – деди устоз.

Шогирд ёзғирди:

– Ҳамма айтганларингизни қилдим, уста. – Аввал лойни пишитдим. Сўнгра уни яхшилаб ийладим. Кейин тобига келсин деб «дамлаб» қўйдим.

– Кейин?

– Кейин чархга қўйиб, кўза ясадим. Сўнг уни офтобга қўйиб қўйдим...

– Хўш, хўш?

– Ундан кейин хумдонга солиб, кизаргунча пиширдим. Яна офтобрўяга қўйдим. Яхшилаб қуритмоқчи бўлдим-да, уста.

Уста «маъқул» дегандек бош ирғади.

– Кейин десангиз кўзага гул сола бошладим. Бирок қанча уринмай, сизникига ўхшаб ялтираб чиқмаяпти. Бир маслаҳат беринг, нима қилай, уста?

Устоз кинояли қулди:

– Э, бир пуф қолиб кетибди-ю, ўғлим?

Шогирд хайрон бўлди:

– Қанақа «пуф», уста?

– Ахир хумдондан чиқариб, офтобга қўйгандан кейин кўзани яхшилаб пуфлаш керак. Шунда унга илашган чанг-чунг кетадн. Бўлмаса, бўёқни яхши олмайди, демак кўзанг ялтирамайди.

– Бу гапни илгари айтмагандингиз, уста.

– Айтмабмидим, э, эсим курсин, – деб маъноли қулимсиради уста.

Шогирд бир нарсани англагандай бўлди. «Устоз отангдек улуғ» деган нақл ҳам бежиз айтилмаган экан...

ШЕР ВА ТУЛКИ

Шер кариб, хайвонларни овлаб қорнини тўйдиришга кучи етмай қолди. Шундан сўнг у ҳийла ишлатишга қарор қилди. Ғорлардан бирига жойлашиб олди ва ўзини касал, деб эълон қилди. Энди у ўзини кўргани келган хайвонларни тутиб ер эди.

Бир куни шерни кўргани тулки келди. У ғорнинг эшиги олдида тўхтаб, шерга салом берди.

– Аҳволингиз қалай, эй ваҳшийларнинг шоҳи? – деб ҳол сўради.

– Эй, тулки, сен нима учун ғорнинг ичига кирмаяпсан? – деди шер ажабланиб.

– Мен сизнинг олдингизга кирмоқчи эдим. Лекин ҳузурингизга кирган излар бору, орқага қайтиб чиққан изларни эса кўрмайман, – деди таъзим қилиб тулки.

Ушбу ҳикоятдан келиб чиқадиган маъно шуки, ўйламасдан бирор ишга қўл урмоқ, ҳар кимнинг бошига фалокат келтирмоқдан ўзга иш эмас.

БОЛА ВА САДО

Кунларнинг бирида Али ўрмонга сайрга чиқди. У кўкаламзорда ўйнаб юрар экан, олдидан бир куш учиб ўтди. Али кушларнинг ортидан «Ҳо-ҳо-ҳо-о-ой» – деб кичкирди. Бунга жавобан худди шундай овоз қайтди. Бу ҳолдан Али ниҳоят ҳайратланди. Чунки ҳали у акс садонинг нималигини билмас эди-да. Али ўрмонда бир бола яшириниб олган бўлса керак, у менга ўхшаб кичкираяпти, деб ўйлади.

Али ундан «Кимсан?» – деб сўради. Садо ҳам «Кимсан?» – деб жавоб қайтарди. Алининг жаҳли чиқди. Овозининг бориचा «Сен аҳмоқсан!» – деб бақирди. Садо ҳам унга «Сен аҳмоқсан!» – дея қайтарди. Бундан Али каттиқ газабланиб, уни сўка бошлади. Садо ҳам Алининг ҳақоратларини ўзига қайтарар эди. Шундан сўнг Али ҳалиги болани излай бошлади. Ахир, у қандай болаки, Алини сўкишга

журъат этаётган экан? Болани топа олмаган Али, ниҳоят уйига қайтди, бўлган воқеани отасига айтиб, шикоят қилди:

– Ўрмонда бир бола яшириниб олибди, ўрмоннинг ўртасига борганимда мени ҳақоратлай бошлади, – деди.

Отаси ўғлининг бу гапларини тинглаб туриб айтди:

– Ўғлим! Сен ўрмонда акс садодан бошқа нарсани эшитмагансан. Ўзинг уни сўка бошлагансан. Акс садо эса барча айтганларингни ўзингга қайтарган, бундан ажабланмагин.

Албатта, кимки эшик қокса анинг жавобини эшитгайдир!

Бу воқеадан шундай хулоса чиқариш жоиздур. «Инсоннинг балоси тилидандур», – деган сўзлар бекорга айтилмаган.

МАРИЯМНИНГ ЧУМЧУҒИ

Мариямнинг жуда чиройли чумчуғи бор эди ва уни жуда яхши кўрарди. Мариям чумчуғи учун кафас ясади, уни шу кафасга солиб қўйди.

Чумчук Мариямга ўрганган, факат унинг кўлидан дон ер эди. Мариям ҳар доим кафасни очиб чумчукни чиқарар, чумчук эса гоҳ кафаснинг устида ўтирар, гоҳо уйнинг атрофида айланиб учиб юрарди.

Мариям чумчуғини жуда яхши кўрганлиги сабабли унга ўзидан бошқа одамнинг овқат беришига йўл қўймасди.

Кунларнинг бирида Мариямга аммаси чиройли бир кўғирчоқ ҳадя қилди. Қизча ўша куни кўғирчоқ билан ўйнаб, чумчуғига овқат беришни унутди. Эртаси куни эса холасининг ўғли Сайид келди. У ҳам Мариямга бир кўғирчоқ совға қилди. Иккинчи куни Мариям кечгача Сайид билан, кўғирчоқлари билан ўйнади. Оқибатда чумчуғига дон бериш яна ҳаёлидан кўтарилди.

Нихоят, учинчи куни кўғирчоқлар билан ўйнаш жонига теккач, чумчуғи эсига тушди. Қўлига дон солиб кафас олдига келганида, чумчук очликдан ўлганди. Бунни кўрган Мариям қаттиқ хафа бўлди ва чумчукнинг ўлимига ўзи сабабчи бўлганини тушунди.

СОХТА ОШИҚ

Бир одам айтар эди: Ишкнинг кўзи кўр, ошиқ жинни, мажнундир, акл-хуши ўзига келса ишкидан айрилади. У фикрини куйидаги ҳикоят билан далиллар эди.

Бир ошиқ ҳар куни маъшуқасини кўриш учун Дажла дарёсини сузиб ўтар экан. Аммо у бир кун маъшуқасининг юзида бир доғ борлигини кўриб қолибди. Сўнг у дарёдан яна сузиб ўтаётганида маъшуқасининг юзидаги доғ ҳақида ўйлаб, жасорати тугабди ва чўкиб кетибди.

Чин ошиқ ишқда ҳаёлини бошқа нарсага чалғитмаслиги керак. Бир гўзал севгилисини ишқда вафодорлигини синаб кўриш учун бундай дебди:

– Эй йигит, мен унчалик чиройли эмасман, опамнинг гўзаллигини бир кўрсанг эди...

Йигит қизнинг опаси қандай экан, деб у ёк, бу ёққа қараган экан, ишқи чин эмаслиги фош бўлиб қолибди.

ТИЛДА ВА ДИЛДА

Уч мусулмон Рум урушига бориб, тез орада душманга асир тушиб қолибдилар. Рум қайсари вакиллари орқали уларга шарт қўйибди: «Агар ислом динидан юз ўгириб, масиҳийликка ўтсангиз, омон қоласизлар, акс ҳолда сизларни қатл этамиз», дебди.

Асир жангчилар бу таклиф ва фармонни эшитиб, ўзларича ўйга толибдилар. Асир тушган жангчилардан бири аввал фақиҳ бўлиб, шариат қонунларини (аҳкомларини) яхши билар экан. У ўйлаб кўриб, «Мен дилимда эмас, тилимда ўз динимдан кечсам, омон қоламан, бу гуноҳ бўлмас», деган хулосага келибди.

Иккинчи жангчи ҳазрат Али авлодига мансуб саййидлардан экан. У ўйлабди: «Мен вазият тақозоси билан, тилимда динимдан воз кечсам, маҳшар куни буюк аждодларим менга шафоат қилар».

Учинчи жангчи ўз умрида кўп гуноҳ ишлар қилган безори одам экан. У сафдошларининг фикрини эшитиб, ўйга толибди ва дебди:

– Менга ҳеч ким шарият аҳкомларини ўргатмаган, ҳеч бир қариндошим мени ҳимоя қилмайди. Шу сабабли мен динимдан воз кечмайман ва ўлимимга розиман. Охиратда ҳеч бўлмаса шу ишим – динимдан қайтмагач, ўлиб кетганим учун менга раҳм қилишса керак. Минг-минг гуноҳ билан яшаганимдан кўра, битта савобли амал билан яхши ном чиқариб ўлганим яхши!

ФИЛ ҲАҚИДАГИ «ҲАҚИҚАТ»

Тоғлар ортида фақат кўзи ожизлар яшайдиган бир қишлоқ бор экан. Бир подшоҳ шавкатли лашкари билан ўтиб кетаётиб, қишлоқ яқинида вақтинча қўниб, чодирларини тиклабди. Подшоҳнинг қўшинида кўп жангларда душманларни қийратган бир жанговар фил ҳам бор экан. Филнинг овозасини эшитган кўзи ожизлар жамоаси у қандай ҳайвон эканлигини билиб келиш учун уч вакилини юборибди.

Вакиллар кела солиб, ҳайвоннинг турли жойларини пайпаслаб, ушлаб кўришибди. Биттаси филнинг оёғини, биттаси хартумини, биттаси қулоғини ушлаб кўриб, филнинг қандайлигини билдим, деб ўйлабди.

Вакиллар ўз жамоасига қайтганида қишлоқ аҳли йиғилиб, фил нималигини тезроқ билгиси келиб, уларни савол-жавобга тутишибди. Филнинг япалоқ қатта қулоғини ушлаб билган вакил:

– Фил гиламга ўхшаш, япалоқ кигизга ўхшаркан, – дебди.

Филнинг хартумини ушлагани бўлса:

– Фил – узун, эгилувчан ичакдай ичи бўш, лекин жуда кучли нарса экан, – дебди.

Ҳайвон оёғини ушлаган вакил:

– Фил устун каби йўғон ва мустаҳкам бир нарса, – дебди.

Кўзи ожизлар ҳар бири ўзи билган қисмни айти ҳақиқат деб билиб, қатъий ишонч ҳосил қилибди. Ҳеч бири филни бус-бутун тасаввур қилолмагани сабабли, у ҳақда айти ҳақиқатни қилолмабди. Чунки, ҳақиқий билимни кўзи (қалб кўзи) очикларгина билилади. Илоҳий оламнинг бир бутунлигини билиш ҳам (қалб кўзи) кўрларга насиб этмайди.

ВАСИЯТ

Сўлим дарё ёқасида узоқ йиллар давомида ота-бола боғбонлар истиқомат қилур эдилар. Икковлари ҳам ўта меҳнатқаш, жонкуяр, эртаю кеч ишлаб, меҳнат қилиб чарчамас, тонгдан то куёш узлатга етгунга қадар тиниб-тинчимай, боғни парваришлар эдилар. «Меҳнатнинг таги роҳат», деганларидек, чорбоғдаги меваги дарахтлар, тоқзорлар мўл ҳосил бериб, оилага кўп даромад келтирур эрди.

Вақти-соати келиб боғбон ота қаттиқ шамоллаб, бир неча кундан сўнг ёруғ дунёдан кўз юмибди. Отаси ўлими олдидан ўғлига васият қилибди:

– Ўғлим, энди менинг вақти-соатим етганга ўхшайдур. Сенга айтадурғон сўзим шулким, шу чорбоғнинг бир жойига хумда олтин кўмиб қўйган эдим. Қарилик курсин, ҳозир ёдимдан кўтарилиб қолибдур. Ушбу муқаддас серҳосил ерлар энди сенга қолади, агар ўша яшириб қўйилган олтинларни ҳам топиб олсанг, жуда бойиб кетурсан.

Ўғил отаси вафотидан сўнг барча расм-русумларни бажо келтиргач, кетмон олиб бир чеккадан ҳар куни тонг сахардан ерларни қавлай бошлабди. Қарабсизки, икки-уч ҳафта давомида чорбоғнинг бошдан охиригача қавлаб чиқибди. Аммо отаси беркитиб кетган хазинани топа олмабди.

Ҳаш-паш дегунча баҳор ҳам келибди. Ўғил ўзи кавлаб ташлаган ерларни текислаб, унга лавлаг, картошка, сабзи, пиёз ва бошқа сабзавотлар экибди. Ўрик, гилос, анжир, анорларнинг тагига ариқ тортиб, гўнг солиб суғорибди. «Меҳнатнинг таги роҳат» деганларидек, ўша йили боғдан шундай кўп ҳосил олибди-ки, уни сотиб тугатолмабди. Қолганларини атроф-теварақдаги ночор оилаларга, йўқсилларга улашибди.

Йигит дўпписини ерга қўйиб, ўйлаб қараса, до-нишманд ва меҳнатқаш отаси айтган бебаҳо хазина ана шу муқаддас ернинг ўзида эркан.

Бобокалонларимиз демишларким, «Ер муқаддас, у ишлаганники. Яхшилаб парвариш этсанг, пичоғинг мой устида бўлғай, оилада барака, тўқинчилик ва маъмурчилик бўлғай».

КУЧЛИ ХОТИРА

Мирзо Улуғбекнинг фаросати ва хотирасининг куввати шу даражада эдики, ҳар ерда бирон жониворга ўқ ўзиб, ов қилса, шу тарихни эслаб қолар, воқеа куни ва қаерда бўлганлигини, жониворлардан қайсилари ов қилинганлигини дафтарга битиб қўярди. Тасодифан ўша дафтар йўқолиб қолди ва қанча кидирсалар ҳам уни тополмадилар. Дафтарни сақлаб юрган хизматчилар саросимага тушдилар.

Подшо деди:

– Ташвиш тортманглар! Мен ўша дафтарга ёзилган гапларни бошдан-оёқ ёд биламан.

Сўнг Улуғбек котибни чакиртириб айтиб турди, улар ёзиб олдилар. Янги дафтар тўлган ҳам эдики, илгари йўқолган дафтар топилиб қолди. Ҳар иккала дафтарни солиштириб, тўрт-беш ихтилофдан бўлак фарқ топмадилар.

ПОДШОҲДАН НОН ТИЛАМА

Амир Алишер Навоий Султон Абу Саъид замонида Муҳаммад Абу Саъид баҳодир билан Боғи сафода сайр килиб юрган эди. Муҳаммад Абу Саъид баҳодирнинг танишларидан Юсуф исмли бир йигит вазирларнинг баъзисидан шикоят қилди:

– Вазир экинimgа сув бермай қўйди. Мирзо Абу Саъидга арз қилмоқчи бўлиб саройга борган эдим, ясовуллари унинг ҳузурига киритишмади. Ҳозир аҳволим шу қадар оғирки, бировлардан бир бурда нон тилаб тирикчилик қилаётибман.

Амир Алишер Навоий унга қарата мана бу байтни ўқиди:

Яъни:

*Гадой-ки нон аз дари шоҳ жуст,
Бибояд зи оби худаш даст шуст.*

ТОПҚИРЛИК

Айтишларича, мавлоно Музаффар Ҳиравий қасидагўйликда забардаст бўлган экан. У Ҳирот подшоҳлари хизматида бўлган ва қасида айтишда ҳаким Ҳоконийга эргашган. У айниқса, Малик Муиззиддин Ҳусайн мадҳида жуда кўп ажойиб қасидалар айтган.

Бир куни Музаффар Ҳиравий Малик Муиззиддин Ҳусайннинг қошида қасида ўқиётган эди, бир байтга келганда подшо уни тўхтатди ва деди:

– Эй мавлоно, ахир, худди шу маъни ҳаким Ҳоконийнинг қасидасида бор-ку.

Подшоҳ ўша байтни ўқиб берди. Уялганидан ўзини йўқотиб қўйган мавлоно Музаффар деди:

– Шоҳим, бу маънини Ҳоконий мендан ўғирлаган.

– Яъни қандай, – деди Малик Ҳусайн, – ахир, Ҳоконий сендан неча йиллар олдин ўтиб кетган-ку.

МАНСАБДАН КЕТГАННИ ЙЎҚЛАМАЙДИЛАР

Бир амалдор донога:

– Одамларнинг келди-кетдиси жонимга тегди, адолат талаб қилиб келувчилардан безор бўлдим! – деди. Доно эса шундай деб жавоб берди:

– Иззат тўшагини тарк этиб, мансаб курсисини бўшат! Сенга сўз бериб айтаманки, шундан сўнг сенга ҳеч ким озор бермайди, адолат талаб қилувчиларнинг оёғи тийилади!

ХАЙВОНИЙ ХИСЛАТЛАР УЧУН ЖАЗО

Бир ҳакимдан:

– Қандай одам жазога лойиқ? – деб сўрадилар. У эса:

– Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарса ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илон, чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган зарарларига қараб жазоланади. Бу тариқа кишиларни ҳатто одам дейиш ҳам ноўриндир!

МИНГ БИР ДАРДГА ДАВО ГИЁҲ

Мавлоно Муқаррарий Кўҳистоний исмли фозил бир шоир ўтган экан. У девон мураттаб қилган, кўҳистонликлар тилида кўп яхши шеърлар ҳам битган экан. Кунлардан бир куни бир бойвачча уни меҳмонга таклиф қилибди, дастурхон ёзиб, анвойи таомлар тортибди. Шулар орасида қайнатилган қандайдир бир гиёҳ ҳам бор экан. Бошқа овқатлар туриб, у меҳмонга ҳалиги гиёҳга ишора этиб деди:

– Марҳамат, мавлоно! Мана бу таомдан тановул қилсинлар, уни ўз қўлим билан тайёрлаганман. Минг бир дардга даво бу.

Гиёҳнинг бир шохчасини синдириб, оғзига олиб борган ҳам эди, ундан чиққан сассиқ ис кўнглини ай-

нитди. Емади ва авайлаб уни яна лаганга қўйди. Мез-
бон кузатиб турган экан, меҳмонни мажбурлаб, гиёҳни
яна мактай кетди:

– Э, мавлоно! Гиёҳдан нега тановул қилмади-
лар? Фойдасини кейин биласиз, у минг бир дардга
даво.

– Уни пишираман деб кўп овора бўлибсиз, тақсир.
Бизнинг унга ҳали муҳтожлигимиз йўқ эди, – деди
меҳмон тавозе билан, – дардимиз ҳали мингдан ошга-
нича йўқ.

ТАНСИҲАТЛИК

Ажамлик ҳозик табиб Расулуллоҳ хизматига кел-
ди. У узоқ йиллар дунё кезиб, кўп инсонларни да-
волаб катта шуҳрат қозонган эди. Лекин Расулуллоҳ
саҳобаларидан ҳеч ким унга касаллигидан шикоят
килиб келмасди, чунки бемор одамнинг ўзи йўқ эди.
Бир куни табиб Расулуллоҳ ҳузурида шу ҳақда гап
очди. Муҳаммад (с.а.в.) дедилар: «Бизнинг тоифадаги
одамлар иштаҳалари ғолиб келмагунча таом емайди-
лар, иштаҳалари жуда очилган пайтда қўлларини арта-
дилар».

Табиб деди: «Ё, Расулуллоҳ! Сизларнинг ҳамман-
гиз соғ-саломат экансиз. Бу ерда менга иш йўқ экан,
шунинг учун ижозат берсангиз, ўз шахримга кетсам».
Расулуллоҳ унга ижозат бердилар.

ШАЙТОНГА ТЎСИҚ

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ўз аёлларидан
бўлмиш София билан ўтирган эдилар. Ансорлардан
бири шу ердан ўтиб қолди ва уларни кўриб салом бер-
ди. Расулуллоҳ алиқ олиб дедилар: «Бу менинг аёлим
София бўладилар».

Ансорий деди: «Ё, Расулуллоҳ! Сиз ҳақингизда
ёмон фикрда бўлишим мумкинми?»

Расулуллоҳ унга шундай жавоб қайтардилар: «Эй,

мард инсон! Шайтон гоҳида одамнинг кон томирларида ҳам ҳаракат қилади. Мен эса ўша шайтон йўлларини ёпиб қўйгувчиман».

ЁНҒОҚНИНГ БАҲОСИ

Расулуллоҳ болаларга жуда меҳрибон эдилар, улар билан ҳамма вақт ширин суҳбат қурардилар. Набиралари Ҳасан ва Ҳусайнни елкаларига миндириб, от бўлиб ўйнатардилар.

Бир куни намоз вақти яқинлашганда масжидга бориш учун уйларида чикдилар. Кўчада бир тўда болалар ўйнаб юришарди. Улар пайғамбаримизни ўраб олишди ва: «Ҳасан-Ҳусайнни яхши кўрасиз, улар билан ўйнайсиз. Биз билан ўйнашни хоҳламайсизми? Ёки биз сиз учун азиз эмасмизми?» – дейишди.

– Сизлар ҳам азизсиз, лекин ҳозир масжидга кетаяпман. Бошқа сафар ўйнаймиз, – дедилар у киши. Лекин болалар «биз ҳозир ўйнашни истаймиз», деб туриб олишди.

Масжидда ҳамма пайғамбаримизни кутарди. Билол у кишини излаб келиб, болалар орасидан топди. Билол уларни ҳайдамоқчи бўлди, лекин Расулуллоҳ унга танбех бердилар. Сўнг уйга жўнатиб, бир ховуч ёнғоқ келтиришини тайинладилар. Билол келгач, Муҳаммад (с.а.в.) болаларга қараб дедилар: «Келинглар, маслаҳатлашиб олайлик. Фараз қилинг, мен туяман, сизлар туяни сотиб юбормоқчисизлар. Мен эса ўзимни сизлардан сотиб оламан ва эвазига ёнғоқ бераман».

Болалар рози бўлишди. Расулуллоҳ Билол келтирган саккизта ёнғоқни уларга улашиб, йўлларида давом этдилар. Болалар ёнғоқни кўриб жуда хурсанд бўлишди. Муҳаммад (с.а.в.) масжидга келиб кеч қолганларининг сабабини табассум билан саҳобаларга изоҳлаб бердилар: «Биродарим ҳазрат Юсуфни акаларини бир неча дирҳамга сотишган эди. Мени эса мадиналик болалар бир неча ёнғоққа сотиб юборишди».

АЛИНИНГ ЛИБОСИ

Бир куни ҳазрат Али хизматчиси Қамбар билан бозорга чикдилар ва иккита кўйлак харид қилдилар. Уларнинг бири икки дирҳам, иккинчиси уч дирҳам турарди. Арзонини ўзлари кийиб, уч дирҳамли кўйлакни Қамбарга бердилар. Шунда Қамбар деди: «Ё Амир ал-мўминин! Сиз кўпчилик билан муомалада бўласиз, бу либос сизга муносиброкдир». Ҳазрат Али дедилар: «Йўк, Қамбар» сен ёшсан, ҳаётингда кўп кийналгансан. Агар мен яхшисини олиб, сенга арзонини берсам, виждонимга тўғри келмайди. Ахир Расулulloҳ ҳам айтганлар-ку: «Уйингизда хизмат қилаётган кишиларнинг таомлари ва либослари ўзингизникидан яхшироқ бўлсин», деб».

Рубойи:

*Зар қадрини заргар билур,
Жавҳар қадрини жавҳари.
Гул қадрини булбул билур,
Қамбар қадрини Али.*

ТАҚДИР

Амир ал-мўминин ҳазрат Али қулай деб турган кийшиқ девор тагида ўтириб, ҳалойиқ билан суҳбат қўрмоқда эдилар. У ерда турганлардан бири деди: «Ё ҳазрат Али! Бу девор тагида ўтирманг, йиқилай деб турибди».

Ҳазрат Али унга жавобан дедилар: «Ажали етмаган бўлса кийшиқ девор ҳам жойида тураверади. Вақти соати етган бўлса, тўғри девор ҳам қулаб тушади. Имони бутун бандаларини эса Аллоҳ ҳамма вақт ўз паноҳида асрайди».

ИСРОФ ВА ИНСОФ

Бир куни Имом Ходий бошига салла ўраб масжидга чикдилар. У ерда сарой мутаваллиси билан ёнма-ён ўтириб колдилар. Мутавалли Ходийнинг салласи-

га кўз ташлади. У жуда нафис матодан тайёрланган эди. Мутавалли сўради: «Эй, Имом Ходий! Бу дасторни қанчага олдингиз!» Имом Ходий дедилар: менга совға қилган киши беш юз кумуш дирҳамга сотиб олган экан». Мутавалли киноя билан кулиб сўради: «Айтингчи, беш юз дирҳамли дастор ўраш исроф эмасми?» Имом дедилар: «Эшитишимча, ўзлари минг динорга хориждан канизак келтирибдилар».

– Тўғри, лекин бу менинг саволимга жавоб бўлмайди.

Имом Ходий шундай дедилар: «Мен беш юз кумуш дирҳамга дастор ўраган бўлсам, бу юзимнинг азизроқ бўлиши учундир. Сиз эса минг динорлик қизил тиллага канизак олдингиз, бу ишрату лаззат учундир. Инсоф қилиб айтингчи, қайсиниси исроф бўлади?»

Мутавалли мулзам бўлиб қолди.

ИЛМ ВА ДАВЛАТ

Басра аҳли орасида илм афзалми ёки давлатми деган ихтилоф пайдо бўлди. Кейин Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) олдига киши юбордилар ҳамда у кишидан юқоридаги саволга муносабатини сўрадилар. Абдуллоҳ ибн Аббос шундай дедилар: «Илм бойликдан афзалдир». Элчи яна сўради: «Агар мендан «қайси далил исботга суянасан» деб сўраб қолишса-чи? Абдуллоҳ ибн Аббос жавоб бердилар: «Илм пайғамбарлардан қолган мерос, бойлик эса фиръавннинг меросидир. Илм сени сақловчи паноҳинг ва сен молни сақловчи паноҳдирсан. Мол эгасидан қиёмат куни икки нарса сўралади: биринчидан, нима касб қилдинг, иккинчиси, нима нафақа бердинг? Илм эгаси эса даражасига қараб беҳишдан жой олади».

ГУЖУМНИНГ ЕТТИ ЯПРОҒИ

Самарқандга ҳар борганимда бир ривоят эшитиб келаман. Бу сафар ҳам қуруқ қайтмадим. Султонлар донишманди Мирзо Улуғбек борасида гўзал бир ҳикоятга ошно бўлдим.

Ривоят киладиларки Мирзо Улуғбек замонида Самаркандда Сирожиддан деган ўртаҳол бир савдогар бор эди. Бир куни у тижорат юмушлари ила Бухорога бормокчи бўлди. Унинг ниятини ён қўшниси эшитиб қолди ва ҳамроҳ бўлиш истагини билдирди. «Олис йўлда йўлдош яхши», деди ўзича Сирожиддин ва ҳамсоясини қабатига олди. Унинг исми Кўчкинбой эди. Икковлон Бухорои шариф қайдасан, деб йўлга тушдилар. Сиёб сувидан ўтиб, Дарғом дарёсининг бўйида, азамат бир гужум остида тушлик қилдилар. Бир оз дам олиб, тагин йўлга отландилар. Бирок тўсатдан Кўчкинбойнинг тоби кочиб қолди ва уйига қайтиб кетмокчи бўлди. Сирожиддин белбоғини ечиб, унга юз тилло чўзди.

– Мана буни бизникиларга бериб қўй, жўра, – деди у, – мен йўгимда мабодо қийналиб-нетиб юришмасин, рўзгорга ишлатсин.

Кўчкинбой кетди. Сирожиддин бир карвонга эргашиб етти кун деганда Бухорога етиб келди. Олдисотди ишларини битирди. Яна кичикрок бир карвонга қўшилиб, Самаркандга равона бўлди. Омон-эсон келиб, эшигини қокди. Тўрт кўз тугал ўтиришган экан. Сирожиддин аёлидан Кўчкинбойга берган пулини сўради. Аёли хайрон бўлди.

– Кўшнингиз ҳеч нарса бергани йўқ, отаси. Бир ҳафтадан берисига қийналиброк ўтирган эдик.

Сирожиддин қўшнисининг олдига чикди. Кўчкинбой уни хушламай кутиб олди.

– Сенда имон йўқ экан асли! – деди Сирожиддин, – бизникиларни очидан ўлдирай дебсан-ку, ноинсоф, нега омонатимни бермадинг?

– Қандайин омонат? – деб Кўчкинбой елка қисди.

– Гужумнинг остида олган юз тиллоингни айтаяпман, эсингдан чикдими?

Кўчкинбой без бўлиб тураверди.

– Бундан ҳам бошқа тухматинг борми, жўра? Қандай гужум, қандай юз тилло?

Сирожиддин кўрдики, Кўчкинбой хиёнатини бўйнига олмокчи эмас.

– Бўпти, сен қасамхўр билан бошқа ерда гаплашаман, – деб чикиб кетди.

Ўша кезлар Самарқандда тижорат авжида эди. Султон Улуғбек тужжорларга ўзгача рағбат кўрсатар, Самарқандни мадинат-аттужжор, савдогарлар шаҳри, дея фахр этарди. Бунинг учун арзи ҳол айтиб бир кунини тўғри Султон Улуғбекнинг ҳузурига борди. Шоҳ олдида тиз чўкди.

– Мен ул кўрнамакни йўлда боқдим-да дармон дори топиб бердим. Охири яхшилиқ қилиб, ёмонлик кўрдим... Имонини ютиб, омонатимни бермай ўтирибди.

Улуғбек Кўчкинбойни чорлатди. Икки ҳамсоияни бақамти қилди. Кўчкин олган пулидан тониб қасам ичди. Улуғбек Сирожиддинга ўғирилди.

– Жаноб тужжор, сиз ҳозирок йўлга чиқинг. Тўғри ўшал гужумдан етти япроқ узиб келтиринг. Биз аларни гувоҳ ўрнида қабул қилгаймиз. Сиз келгунча бул жўрангиз бирла суҳбат кургаймиз.

Сирожиддин кетди. Мирзо Улуғбек Кўчкинбой билан об-ҳаво, нарх-наво дегандай аҳамиятсиз мавзуларда гаплашиб ўтирди. Бир замон гап орасида шунчаки сўраб қолди:

– Сиз не фикрдасиз, ошнангиз гужумга етганми-кан?

Кўчкинбой шоҳона суҳбат гирдобиди ғарқ эди.

– Йўқ, ҳали етмади, у ер бир кунлик йўл эди, – деб юборди. Деди-ю тилини тишлади. Лекин кеч бўлган эди. Улуғбек унинг юзига қаҳрли тикилди.

– Сен муттаҳам экансан, Кўчкин! Демак, гужумнинг соясида ором олганинг ҳам, бировнинг ҳақиқа хийнат қилганинг ҳам орий рост. Сенга не жазо берайлик, ўзинг айт! Эшакка тескари миндириб, шаҳар айлантирайлик-му ёхуд эллик таёқ афзалроқ-му? Кўчкинбой Улуғбекнинг олдида ер ўпиб, тавба-тазарру қилди. Омонатга хийнат қилганини тан олди ва ҳам-соясининг пулини қайтариб берди.

Бир деҳкон кўш хайдаб турган экан. Кушбеги ўтаётиб унга кўзи тушибди-да, «Ҳорманг» дебди. Деҳкон эшитса ҳам ўзини эшитмаганга солиб: «Хўш, жонивор!» деб хўкизларини қайтариб, ерни хайдай-верибди. Бек: «Кўлоғи карми бунинг, нега индамайди ёки бу чол мени писанд қилмаяптими?» деб ўйлабди ва яна унга қаттиқроқ оҳангда «Ҳорманг!» дебди. Деҳкон бошини бир кимирлатиб, яна ишини давом эттираверибди. Бек газабланиб жўнаб кетибди-да, деҳконнинг қўлини орқасига боғлаб, олиб келишни буюрибди.

Деҳкон Бекни кўрган заҳоти: «Ассалому алайкум! Бор бўлинг, бор бўлинг», дебди.

Бек: «Эҳ аҳмоқ чол, қўлинг орқага боғланди, энди ўлимнинг билдингда. Далада икки марта «Ҳорманг» десам ҳам «Бор бўлинг» демадинг», – дебди.

Шунда деҳкон: «Таксир, ўша вақтда экадиган еримнинг оби-тоби жойида эди, бор бўлинг дейишга ҳам вақтим йўқ эди, ерим тобидан қолмасин дедим, энди олдингизга келдим, қанча «Бор бўлинг» керак бўлса олаверинг. Ахир, «Вақтинг кетди – нақдинг кетди» деган ҳикматни эшитмаганмисиз?» дебди.

Бек деҳконнинг вақтнинг қанчалик қадрига етишини кўриб, қойил қолибди ҳамда унга тасаннолар айтибди.

ХОТИНИДАН ШИКОЯТ ҚИЛГАН ОДАМ

Ҳазрат Умар (р.а.)нинг халифалиги даврида бир одам шаддод хотинининг турли жанжаллари, бакириб-чакирувларидан шикоят қилгани унинг уйига келди.

Ул одам ҳазрат Умарнинг эшиги олдида келганида қулоғига бир хотиннинг қаттиқ овози келди. Бир оз тараддудда қолди, қулоқларига ишонмади. Ишонмайди, қандай ҳам ишонади! Ҳазрат Умарнинг хоними Умму Гулсум хожаси – эри ҳазрат Умарга бакириб-

чакирмоқда. Ҳазрат Умар эса ҳеч овозини чиқармас эди.

Хотинидан шикоятга келган одам ўз-ўзига шундай деди:

– Мен хотиним берган хузурсизликдан, хотинимнинг ёмон феълидан менга бакириб-чакиришидан халифага шикоятга келган эдим, токи хузур топайин, уйимдаги жанжалдан қутулайин деб. Бу қандай тақдирки, менинг бошимдаги дарду ғам халифанинг ҳам бошида бор экан. Яхшиси бу ердан кета қолай, – деди.

Ул одам қайтиб кетар экан, ҳазрат Умар (р.а.) уни кўриб қолди, ва:

– Нега келган эдингиз, нега кетмоқдасиз, – деди.

– Сизга хотинимдан шикоятга келган эдим. Айни бало, айни дард сизнинг ҳам бошингизда борлигини кўриб шикоятдан воз кечдим. Шунинг учун кетаётган эдим, – деб жавоб берди ул одам.

Бунга жавобан ҳазрат Умар (р.а.) ул одамга шундай насиҳат қилди:

– Менга яхшилаб кулоқ солинг! Оиламнинг менда баъзи ҳақлари бордир. Менга қилган хизматлари сабабли каминадан бу ҳақларининг қадрини билишимни истайди. Сабр-қаноат билан қилган хизматлари ва ҳақлари ушбулардир:

1. Хотиним жаҳаннам оташи билан менинг орамда бир пардадир. Кўнглим у билан роҳат топади. Харомга бокмайман (яъни, у менга хотинлик вазифасини бажаради).

2. У мен учун уйимнинг бир муҳофизидир (кўрикловчиси, муҳофаза этувчисидир). Мен уйимдан чиксам, у уйимда мол-мулкимни сақлайди, уйимнинг бекаси бўлиб қолади.

3. Кийимларимни ювиб тозалайди. Уйимнинг бошқа юмушларини бажаради. Уйимнинг тозалигини, болаларимнинг покизалигини сабр-қаноат билан таъминлайди.

4. Болаларимни тарбиялайди. Уларга едириб-ичиради, кийдириб ясантиради.

5. У менинг овқатимни пишириб, олдимга қўяди. Шунча хизматларни ўрнига қўйиб бажариб миннат қилмайди.

Ҳазрат Умардан бу насиҳатларни эшитгандан кейин, хотини устидан шикоятга келган одам:

– Сизга қилинадиган бу хизматлар менга ҳам қилинади. Сиз хуш қўриб унинг баъзи қусурларини, камчиликларини кечганингиздан кейин мен ҳам хотиним қусурларини кечираман, – деди.

ҲИДОЯТ НУРИ

Бир куни ҳазрат Али (р.а.) намозга кетар экан мушрик (бутга сиғинувчи)лардан бирига дуч келди. Мушрик ҳазрат Алига шундай деди:

– Ё, Али! Мен сизнинг аҳволингизни қўриб ҳеч тушунмайман. Охират бор, инсон бу дунёда қилаётган ҳар бир ишига жавоб беради, деб намоз ўқийсиз, рўза тутасиз, жаннат бор, жаҳаннам бор дейсиз... Мен эса, буларга ҳеч ҳам ишонмайман. Орамизда қандай фарқ бор, сиз ҳам яшаяпсиз, мен ҳам яшаяпман. Бу қадар ғайрат кўрсатишнинг сабаби нима? Ҳар куни вақтида намоз ўқийман, рўза тутаман, деб бунчалик жафо чекишнинг боиси нима?

Викор ва сукут билан бу ғалпларни тинглагач, ҳазрат Али (р.а.) шундай жавоб бердилар:

– Э, ғофил одам! Ўлимдан сўнг ҳаёт йўк, деб фарз қил (Ёки бор деб...). Бизда имон, ишонч бордур. Иккинчи ҳаёт – охират ҳаёти бордур. Агар сенинг айтганинг каби қайта тирилиш йўк бўлган тақдирда ҳам, мен бу қилаётган ишларим билан ҳеч нарса йўқотмайман-ку! Намоз ўқийман, Аллоҳимнинг, динимнинг амрларини тўла бажараман, рўза тутаман – булар менинг куллик вазифаларимдир. Бу ишларимдан бу дунёда ҳеч зарар кўрмадим. Охиратда бу ишларим учун зарар кўришим мумкинми? Сен нима дейсан?

Мушрик бироз ўйлагач:

– Зарар кўрмайсиз, эй Али, – деди.

Ҳазрат Али (р.а.);

– Рўза тутаман, мана қаршингда турибман, сен мендан бирор зарар кўраяпсанми? – деб сўрадилар.

Мушрик уларга жавоб бериб:

– Йўк, кўрмаяпман – деди.

Ҳазрат Али (р.а.): – Факир, муҳтож кишиларга ёрдам берсам, закот берсам ва динимиз бошлаган йўлга юрсам мен инсонларга ёрдам берган бўламан. Бундан мен қандай зарар кўришим мумкин? – дедилар.

Мушрик:

– Зарар йўқдир, – деди.

Ҳазрат Али (р.а.): – Агар охират бор бўлса, бу дунёдаги ишларингдан жавоб бериш лозим бўлса, имондан, намоздан, рўза ва закотдан, қилган аъмолингдан ҳисоб-китоб қилинса, у замон ҳолинг қандай кечади? – дедилар.

Умрини бутга сиғиниб ўтказган бу қари мушрик ҳазрат Али (р.а.)нинг сўзларини тушуна бошлади ва:

– Ё, Али! Сиз айтгандай бўлса, ўлимимдан сўнги тирилсам, Аллоҳ ҳузурига борсам, унда аҳволим қандай бўлади? – деб дарҳол имон келтирди.

Шундай қилиб, у аклини остин-устун қилган шубҳа ва имонсизлик қоронғилигидан, динсизлик зиндонидан қутулди ва ҳидоятга эришди. Ҳазрат Али (р.а.)нинг имони қучлилиги, виқорли ҳаракати, қучли эътикод билан қувватланган сўзлари бир ҳидоят нури ўларок, ул одамнинг қалбида порлаб ҳидоятга эришишга восита бўлди.

АЖОЙИБ ҲАНГОМАЛАР

– **Ш**ифохонага кирсам, – деб сўз бошлабди бир содда, – бир телбани занжирбанд қилиб қўйишибди. Мен унга тилимни кўрсатиб, кўзимни олайтирган эдим, девона осмонга қараб шундай деди:

– Худоё тавба! Нега бу шифокорлар бир девонани занжирбанд қилиб қўяди-ю, бошқаси билан ишлари йўк!

* * *

– Бир ҳакимнинг ўқиш-ўрганишга сира укуви йўк бир ўгли бор экан.

Хотини эрига:

– Нега бунака экан-а? Сендек олим, фозил одамдан туғилган бола кип-кизил аҳмоқ бўлди-я? – деса, эри шундок дебди:

– Истеъдод ирсий бўлмайди, унинг жони меники эмас, ўзиникидир!

* * *

Бир куни султон Маҳмуд шифоҳонага борган экан, қараса, бир девонани занжирбанд қилиб қўйишибди. Девона подшоҳни кўргач, хиринглаб кулаверибди.

– Ҳа, девона, нега куляпсан? – деб сўраса:

– Сенга куламан, – дебди девона, – сен подшо бўлиб мағрурликдан бошқа нарсани билмадинг на умрингда бирор савоб иш қилдинг ва на одоб кўчасидан ўтдинг.

– Тила тилагингни, нима истайсан? – дебди султон Маҳмуд.

– Озгина хом думба бўлса ер эдим, – дебди девона.

Султон Маҳмуднинг амрига кўра думба ўрнига турпни арчиб беришибди. Девона турпни чайнаб, ҳадеб бош чайқайверибди.

– Ҳа, нега бош чайқайсан? – деб сўраса:

– Сен подшо бўлгандан кейин думбада ёғ қолмабди, – дебди девона.

Шунда султон Маҳмуд:

– Ҳа, ҳақ гапни девонадан эшит, деганлари рост экан, – дебди.

ҲИКМАТ

Бир ҳаким дебди:

– Ёшларни камситманглар. Агар улардан тўғри маслаҳат ёки ақлли гап чиқса, ўша йўлга юриш керак. Унутмаслик лозимки, гавҳарни дарёдан ёш бола олиб чиқса ҳам қиммати йўқолмайди.

ЁЛҒОН

Бир лўлининг эшигини қоққан эдилар, уйдан ўғил-часи чиқди.

- Даданг борми?
- Ҳа, уйда, – дебди бола.
- Нима қилаяпти? – деб сўрадилар.
- Худони ёлғончи қилаяпти.
- Қандай қилиб?

Бола деди:

– Дадам уйда қўлига ойна олиб, коп-қора чўтир юзига қараб: «Эй худоё, худовандо, шунчалик чирой ато қилганингга шукур», деяпти.

АДОЛАТ

Бир подшоҳ ўғлини чакириб сўради:

- Оламда яшашдан мақсадинг нима?
- Туганмас мулким бўлса, – деди ўғли, – есам, ичсам, овға чиқсам, жонон қизлар билан ишрат қилиб, суҳбат курсам.

Шоҳ бир хизматкорни чакирди:

- Хўш, яшашдан сенинг мулодинг не?
- Қўлимдан келгунча ўзимдан ожизларга лутфу марҳамат кўрсатиш, қулларни озод қилиш, – деди хизматкор.

Шундан кейин, подшоҳ ўғлини иноят назаридан четлатиб, хизматкорини тахт вориси қилиб тайинлади.

ЯРМИ ЁЛҒОН, ЯРМИ ЧИН

Бир зариф деди:

– Бир туш кўрдим, ярми ёлғон бўлиб чиқди, ярми чин. Тушимда бир коп олтинни елкамда кўтариб, у ёқдан бу ёққа юравергандан елкаларим оғриб кетди. Уйғониб қарасам, олтин йўғу, аммо елкам зиркираб оғриётган экан.

ҚУРИМАС ҚУДУҚ

Бир хожа қулини сотган эди, олган хожа уни сакко – сув ташувчиликка тайинлади. Бир куни аввалги хўжайини уни кўриб қолиб сўради:

– Хўш, ишлар қилай?
– Ёмон, – деди қул, – сув ташиганим ташиган. На қудуқдаги сув тугайди, на булар сувга қонади.

СЕНГАЯММАС, МЕНГАЯМ...

Бир содда киши Ҳирот шаҳрига келган эди, қарасаки, қаннодлар олдида тўла қанду курсни сотиб ётибди. Индамай бировнинг олдида қўл чўзиб қандидан олди. Қаннод унинг қўлини ушламоқчи бўлган эди, қандини шартта оғзига солиб, деди:

– Ана бўлмаса, сенгаяммас, менгаям.

ЎН ИККИ ДИРҲАМНИНГ БАРАКАСИ

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳамма вақт оддий ҳаёт кечирардилар, халқ қатори, балки халқдан ҳам оддийроқ яшардилар. У киши хоҳ суҳбатда, хоҳ таом ейишда, хоҳ кийинишда бўлсин, халқдан ажралиб туришни ёқтирмас эдилар. Уйларида бирор нарса кўпайиб қолса, бева-бечораларга улашардилар.

Бир куни Расулуллоҳ куёвлари Али ибн Абутолибга ўн икки дирҳам пул бериб: «Менга либос келтиргин», дедилар. Ҳазрат Али бозорга бориб ўн икки дирҳамлик либос келтирибдилар. Бу кўйлак жуда чиройли бўлиб, саҳобаларнинг либосларидан яхшироқ эди. Расулуллоҳ либосни кўздан кечириб дедилар: «Жуда яхши кўйлак экан, лекин менга арзонроғи ярашади. Бунини алмаштириб келиш керак». Пайғамбаримизнинг ўғли куёвлари билан бирга бордилар ва сотувчидан либосни алмаштириб беришини сўрадилар. Сотувчи арзонроқ либос тополмай, пулини қайтариб берди.

Бозор оралаб юриб, йиғламсираб турган бир қанизакка дуч келдилар. Муҳаммад (с.а.в.) ундан: «Не бо-

исдан йиғлайсан?» деб сўрадилар. Канизак деди: «Уй соҳиблари тўрт дирҳам пул бериб бозорга юборишган эди. Мен шу пулни йўқотиб қўйдим, энди уйга қайтиб боришга қўрқаяпман». Расулуллоҳ унга ҳамёнидан тўрт дирҳам олиб бердилар ва уйига боришини тайинладилар. Кейин бозор айланиб тўрт дирҳамлик либос харид қилдилар. Бозордан катта кўчага чиқишганда бир ялангоч кишини учратдилар. У ўтган-кетганга ялиниб: «Ким мени кийинтирса, Аллоҳ уни жаннат либослари билан ясантирсин!» дер эди. Расулуллоҳ ўзларига харид қилган тўрт дирҳамлик либосларини шу кишига ҳадя қилдилар. Сўнг бозорга қайтиб бориб, ҳамёнларида қолган тўрт дирҳамга бошқа қўйлак олдилар.

Йўлда ҳалиги кинизакни кўрдилар. Расулуллоҳ сўради: «Нега уйингга кетмадинг?» Канизак жавоб берди: «Бозор айланиб нарса харид қилгунимча қоронғи тушиб қолди. Хонадон соҳиби мени калтакламасмикан деб кўрқиб турибман», Расулуллоҳ дедилар: «Юр, ўзим уйингга элтиб қўяман». Боргач, канизакнинг соҳибидан қизга озор бермасликни сўрадилар. Шунда хонадон соҳиби: «Ё, Расулуллоҳ! Сизнинг ҳурматингиз учун биз уни озод қилдик», деди.

Муҳаммад (с.а.в.) куёвлари Алига қараб дедилар: Ё Али, кўрдингми, ўн икки дирҳам биз учун қанчалар баракали бўлди! Икки кийимсизни кийинтирди, бир бандани эса озод қилди».

МУРОСА

Мадинага келган бир араб пайғамбаримиздан бирор нарса беришларини сўради. У киши ёнларида бор нарсаларини арабга бердилар. Лекин у ҳеч нарса олмагандай қакқайиб тураверди. Расулуллоҳ сўрадилар: «Нима, етарли бўлмадими?» Араб деди: «Ҳа, бу эҳсонингиз кам. Ахир бу билан қаерга ҳам борардим». Шу ерда турган баъзи муслимларнинг жаҳли чикди, улар арабни ҳайдамоқчи бўлдилар. Пайғамбаримиз

уларга танбех бериб, арабни уйларига олиб бордилар. Олдига дастурхон ёзиб, бор нарсаларини қўйиб, меҳмон қилдилар. Яна эҳсонлар бердилар. Кейин табассум билан: «Энди розимисиз?» деб сўрадилар. У киши пайғамбаримизнинг бошқалар қатори оддий ҳаёт кечиришларига амин бўлди, саховатларига қойил қолди ва деди: «Жуда миннатдорман! Аллоҳ умрингизни ва давлатингизни янада зиёда қилсин!». Расулуллоҳ дедилар: «Жуда яхши аммо боя баъзи муслимлар сиздан норози бўлишди. Ҳозир уларнинг қошига борайлик ва сиз кўнглингиздаги гапларни айтиб, уларни ҳам хушнуд этинг».

Икковлари муслимлар тўпланиб турган жойга келишди ва Расулуллоҳ дедилар: «Бу киши биздан норози бўлган эди. Биз келишиб олдик ва энди ўз миннатдорчиликларини билдирмоқдалар». У киши деди: «Аллоҳ сизларга ва оила аъзоларингизга баракат ато қилсин! Боя ножўя гаплар айтиб кўнгилларингизни ранжитганим учун узр сўрайман».

Расулуллоҳ ва барча саҳобалар уни хушнудлик билан кузатиб қолишди.

САБР

Ибн Махбуб шундай ҳикоя қилади: Имом Содиқ билан бирга бир жанозада иштирок этдик. Ногаҳон Имомнинг кавушлари йиртилди ва бу кавушда юриш ўнғайсиз бўлиб қолди. Дўстларидан бири Имом Содиққа ўз кавушини келтириб, «Азият чекманг, мана буни кийиб олинг», – деди. Шунда Имом Содиқ дедилар: «Йўк! Ҳар кимнинг нарсаси ўзининг ҳимоячисидир. Бинобарин, кавушимиз йиртилиши керак экан, биз учун сабр қилиш лозим бўлади».

Қиссадан ҳисса шулки, Имом Содиқ (р.а.) ўзга кишининг кавушини, роҳат қилишни хоҳламадилар. Зеро, сабрсизлик қилиб, ўзгани қийинчиликка қўйиш у кишининг табиатларига мос келмас эди.

Балхлик бир киши шундай хикоя қилади: бир сафарда Имом Ризо (р.а.)га ҳамроҳ бўлдим. Бир куни у киши дастурхон ёзишни буюрдилар ва суданлик қора куллари ҳам чорладилар. Мен дедим: «Ҳабашлардан дастурхонимизни алоҳида қилсак бўлармиди?» Имом Ризо дедилар: «Жим бўл, Аллоҳ қошида барчамиз бирмиз. Билсанг, улар ҳам, биз ҳам Одам Ато ва Момо Ҳавонинг авлодларимиз. Ҳамма инсонлар бирдирлар ва бир-бирларига дўст-биродар бўлмоғи лозимдир».

ТАННОЗ ХОТИННИНГ ТУЗАЛИШИ

Бир одам жуда нозли кизга ошиқ бўлди. Анча ноз истиғнолардан сўнг турмуш қурдилар. Ул аёлда ислом тарбияси жуда оз эди. Шунинг учун эрининг қадрига яхши етмас эди. Иши фақат нозланиш эди, холос. Турмуш қурганларига бир неча кун ўтганда ноз билан:

– Вақт ўтиб сатанглигим тутади. Ул вақтда менга ҳеч нарса демагин. Иш қилмайман, заҳмат чекмайман. Агар осмон бошимга узилиб тушса ҳам у кунда бирор иш қилмайман, – деди.

Эри ақлли одам эди. Бир оз сукут сақлаб, хотинининг гапига тушунгандай бўлиб:

– Дуруст, сатанггинам, меним ҳам вақт ўтиб эшаклигим тутиб кетади. Ул вақтда сен менинг ғазабимга дучор бўлма, – деб жавоб берди.

Орадан ойлар ўтди, аёлнинг сатанглиги орта борди. Ул одам қанча юмшоқ бўлса, хотинининг нози шунча кучая борди. Секин-секин ишлари эрнинг жонига тега борди.

Бир кун уйига келиб:

– Хоним шу-шу нарсаларни ҳозирла, дўконга олиб кетаман, – деди.

Хоним ҳар вақтдагидек жойидан қимирламади. Ул одам гапини такрорлади. Яна ҳеч сас йўқ. Ул одам қайтарди.

Хотин:

– Бугун дангасалигим тутиб турибди, ҳеч иш қилмайман, – деди.

Ул одам белидан камарини ечиб, хотинини, «мана сенга, мана сснга дангасалик», деб савалади. Хотин бакирди:

– Вой-дод! Вой, белим, вой кўлларим! Вой, ўламан!

– Жаҳлим чиқди хоним, чида, эшаклигим тутиб кетди, – деб яна камар билан савалай бошлади.

Шундан кейин хотиннинг ақли кириб:

– Бўлди, афандим, менинг дангасалигим кетиб қолди, – деди.

Шундай қилиб, на эрда эшаклик қолибди, на хотинда дангасалик, таннозлик қолибди. Хасталикларидан халос бўлибдилар.

ИСРОФГАР ХОТИН ВА УНИНГ ЭРИ

Бир вақтлар қишлоқда яшайдиган эр-хотин бўлган экан. Эр жуда хушфёъл, вазмин, сабр-қаноатли зот экан. Аммо хотини яхши тарбия олмаган, ислонми ҳеч ўрганмаган ва эр қадрини билмаган, уй-рўзгор ишидан беҳабар, исрофгар, хожасини қон қустирган бадбахт аёл экан. Кўп вақтлар ўтгач, ул одам хотинидан хафа бўла бошлабди. Чунки у насиҳат этса, қулоқ солмас эмиш. Яхши гапирармиш, тушунмас эмиш, кўпол гапиришга одоби йўл қўймас эмиш. Эр яна насиҳат қилармиш:

– Хоним, тежамли, тутамли рўзгор юритгин. Мен кўп чарчадим, аввалги куч-қувватим қолмади.

Бир кун ул одам уйда қолибди. Ҳаво совуқ бўлганидан ўша кун ишга бормабди. Не кўз билан кўрсинки, кеча олиб келган ўтинларини хотини кучоқ-кучоқ ўчоққа солиб ёқарди.

– Эй хоним! Сен нима қилаяпсан ўзи? Шунча ҳам ўтин ёқиладими? Сал аяб ёққин ўтинларни, – деди у одам туриб.

– Нима қилай, бундан кам ўтин ёқсам, уй исимайди, – жавоб берди хотини.

Орадан вақтлар ўтиб, ул одам хасталаниб қолди. Тоғдан ўтин кесиб келтириш хотиннинг ўзига қолди. Хотин бориб ўтин кесиб орқалаб келди. Эри туриб ўчоққа бир кучоқ ўтин солди. Буни кўрган хотини:

– Сиз қандай одамсиз, нима қиялпсиз? Ўтинни кесиб орқалаб келдим, елкам яра бўлди. Аяб ёқинг, холимга тушунинг, – деди.

– Яхши, хоним, хўп бўлади. Сен хафа бўлма. Бир тутам ўтинни бекорга ёқмайман, сен айтганча бўлсин, – хотинини тинчлатди у.

Ул одам охири тушундики, ота-боболаримиз: «Минг насиҳатдан бир машаққат яхши», «Одамга минг ўгит бергандан, қийинчилик тезроқ ақл киргизади», «Насиҳат билан тузалмаганнинг ҳаққи – азобдир», деб жуда тўғри айтган эканлар.

Қиссадан ҳисса: исрофгар аёлларни на Аллоҳ ва на эр севади. Ҳамма иш ўз вақтида бўлгани яхши. Инсон ҳасис бўлиб, ҳаддан ортиқ тежаши ҳам, сахий бўлиб, совуриб ташламаслиги ҳам зарур. Энг яхшиси шуларнинг лозим даражада ўртаси қадар иш кўрмоқ маъқулдир.

«АЛЛОҲИМ! МЕН БИЛАН ГАПЛАШ!»

Кунлардан бири, бир одам қўлларини осмонга чўзиб ёлворди:

– Аллоҳим! Мен билан гаплаш!

Айнан ўша пайтда ўша одамнинг боғчасида бир булбул ўзининг энг сўнгги ашуласини айтаётган эди.

Одам булбулга кулоқ солмади, ва ялинишда давом этди:

– Аллоҳим! Мен билан гаплаш!

Бир оздан кейин ҳаво айниди, момақалдирок ва чакмоқлар билан бирга шиддатли ёмғир ёға бошлади. Фақат одам тингламади, ёлворишда давом этди:

– Аллоҳим! Сени кўришимга изн бер!

у ёлвораркан, ёмғир тинди ва қуёш нурлари одамнинг уйигача кира бошлаган эди. Фақат одам бу манзарага эътибор ҳам бермади. Ҳар куни кўрадиган нарсаси эмасми?

Ёлворишда давом этди:

– Менга бир мўъжиза кўрсат, Аллоҳим!

у ёлвораркан қулоғига яқиндаги уйларнинг биридан янги туғилган чақалоқнинг йиғиси эшитиларди. Аммо одам буни ҳам фарқлолмади.

У қайғудан йиғларди:

– Аллоҳим! Жавоб бер менга! Шу ерда эканлигининг менга билдир!

Ўша пайт бир капалак одамининг қўлига қўнди, лекин у бошқа қўли билан капалакни ҳайдаб юборди ва йиғлашда давом этди:

– Аллоҳим! Нега менга жавоб бермаяпсан?..

* * *

Хорун ар-Рашид боғбонни чақириб:

– Ҳозирок менга ширин қовун топиб кел! – дебди.

Боғбон:

– Ё, мўъминлар амири, менга уч кун муҳлат беринг, – дебди.

Халифа норози бўлиб:

– Йўк, ҳозир топиб келасан! – деб буюрибди.

Боғбон:

– Ё, мўминлар амири, Худои Таоло еру осмонларни ва унинг ичидагиларни олти кунда бунёд қилган. Сиз бўлсангиз уч кун кутишга сабрингиз етмаябди.

– Халифа бу жавобни эшитиб, кулибди ва боғбонга: Майли, ўз билганингча қил, – дебди.

* * *

Бир куни халифа пашшаларнинг кўплигидан безовталаниб зорланибди:

– Худо шу пашшаларни нима учун яратган экан-а?

Доно вазир бундай жавоб берибди:

– Худо пашшаларни шунинг учун яратганки, қудратли ҳукмдорлар ҳам пашшага кучи етолмаслигини, ўзининг ожиз бир банда эканлигини тушунсин.

* * *

Бир бадавлат одам ўлими олдидан Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб:

– Ё, Расулуллоҳ, менинг ўлимим яқинлашди, аммо сира ўлгим келмаябди, – деб зорланибди.

Расулуллоҳ ундан:

– Мол, давлатинг кўпми? – деб сўрабдилар.

– Ҳа, етарли, – дебди ҳалиги одам.

Расулуллоҳ (с.а.в.) шунда:

– Барча бойликларингни муҳтожларга улашиб бер. Ўзинг ўлишни истаб коласан, – дебдилар.

КЎЗИ ОЧИЛДИ

Ичкиликка берилган бир киши улфатларини уйига меҳмонга чакириб, дастурхон тузаб, уни турли ичимликлар билан безаб турган экан. Шу пайт унинг етти-саккиз яшар ўғилчаси олдига келиб, дастурхон устидаги шишалардан бирини олибдида отасига дебди:

– Адажон, бу ароқ-а, сиз буни ичасиза, оғайниларингиз ҳам ичади-а, кейин маст бўласизлар-а?

Ота индамабди.

– Катта бўлсам, мен ҳам ичаман-а? – дебди бола.

– Ия, нега ичасан, – дея жаҳли чиқибди отанинг.

– Йўқ, – дебди бола бийрон тил билан. – Ҳозир эмас, катта бўлганимда, сизга ўхшаб ароқ ичиб, сиз бувамнинг соқолларини тортган каби мен ҳам сизни уриб йиғлатаман. Ахир, мен сизнинг ўғлингизман-ку. Сизга ўхшасам ёмонми?!

– Тўхта болам! Менинг сўқир кўзимни очдинг, бундан буён бу заҳар-заққумни ичмаганим бўлсин, – дебдида, шишаларни бирма-бир синдириб ташлабди.

ЖИГАРИМ – ЁДГОРИМ

Қадим замонда бир подшоҳ катта қўшинга укаси-ни саркарда этиб тайинлаб, унга икки ўғлини қўшиб, жангга жўнатибди. Орадан бир неча кун ўтгач, катта ўғли жангга ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар келибди. Шунда подшоҳ:

– Аллоҳ раҳмат қилсин. Парвардигор ўзи берган эди, яна ўзи олди, – дебди.

Орадан кўп ўтмай кичик ўғли ҳам жангга шахид бўлганлиги ҳақида хабар келибди. Подшоҳ яна аввалгидек:

– Аллоҳ раҳмат қилсин. Яратганнинг ўзи берган эди, яна ўзи олди, – дебди.

Орадан бир ой ўтиб: «Подшоҳим, укангиз ҳам жангга шахид бўлди», деган хабар келибди. Шунда подшоҳ тахтидан тушиб, уввос солиб йиғлай бошлабди. Мулозимлар шохдан сўрашибди:

– Эй олампаноҳ, икки ўғлингиз шахид бўлганда бунчалар кайғурмаган эдингиз, бир укангиз ўлимидан бундай азият чекишингизнинг боиси не?

– Эй халойик, мен йиғламай ким йиғласин. Ахир укам ота-онамдан қолган яккаю ёлғиз жигарим–ёдгорим эди. Икки ўғлимдан айрилган бўлсам, яна фарзанд туғиб берадиган хотиним бор. Аммо энди менга ука туғиб берадиган онам аллақачон бу дунёдан ўтиб кетган, – деган экан шох.

* * *

Бир киши шайхнинг ўзидан ўғит истади. Унга:

– Икки жаҳоннинг шарри (ёмонлиги) мол кўп-лигидадир, хайри (яхшилиги) эса Аллоҳнинг берганига қаноат қилмоқликдадир. Боргил, бул ўғитни тутгил нажот топгайсен. – деди.

* * *

Абу Бакр айтар:

– Макка йўлида борар эдим. Бир аёл яёв ҳажга кетар эди. Мендан сўради:

– Эй йигит, сен кимсан?

– Ғарибман, – дедим.

– Ҳижозга кетурсан – Аллоҳ сенинг биландир. Аллоҳ сенинг билан бўлгач, ғариб бўлурмисанки, Ҳақ унсиятидан шикоят килурсан? – деди. Аёлнинг бу сўзидан кўп мутаассир бўлдим. Отимни айтмоққа токатим қолмади. Йўқдан бундай бир овоз эшитдим: «Тила, биздан не тиларсен?! «Илоҳи, мени мискинлик мақомида қўйгайсен, бечоралик ва хорлик бергайсен-ким, менинг бало чекмоққа токатим йўқдир» дедим.

* * *

(Шайх) айтар: Ҳақ Таоло ҳазрати одамдан олти нарсани истар: иккиси кўнгилда бўлиб, Аллоҳ амрини бажармоқ ва халққа шафқат килмоқликдир: иккиси яна дилдадирки, Аллоҳ бирлигини икром этмоқ ва халққа юшоқ сўйламоқликдир. Иккиси эса сабр айламоқ ва ҳилм (ҳалимлик) билан хокисорлик килмоқликдир.

* * *

Тўрт душман бордир ва улардан қутулмоқнинг тўрт йўли бордир: шайтон, нафс, дунё севгиси, халққа аралашмоқ. Шайтон ва нафсга муҳолифат (қаршилик) этмоқ керак, дунёдан чекинмоқ, халқдан ҳам қочмоқ керак. Киши бу тўрт ёрдамчи билан қутулгайдир, йўқса ҳалок бўлур.

* * *

(Шайх) айтар: Ҳақ Таоло сувни яратди. Турли ранглардан унга ранг берди ва турли тотлардан унга тот берди. Шу маъно сабабидан ҳеч кимса сувнинг рангини билмас, тотини фаҳм этмас. Сўнг сув ҳаёт сабаби бўлди. Нечукким: «Анбиё» сурасининг 30-оятнда айтилмишдир: «Кофир бўлган кимсалар осмонлар ҳам, ер ҳам (аввалда) тўсик (яъни осмонлардан ёғин ёғмас, ердан эса бирон гиёҳ унмас) бўлганини билмаслар. Биз уларни очиб юборганимизни (яъни осмон-

дан ёгин ёғдириб, ердан гиёҳ ундирганимизни) ва барча жонли мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?!»

* * *

Ҳазрати Абу Бакр вафот этди. Бир улуг киши уни тушида кўрди. Ранги сарғайган, қайғуга ботган ҳолда зорланиб йиғлар эди. Ундан сўради:

– Эй, шайх! Бу не ҳолдирки, бундок ғамгин бўлдинг?

– Нега ғамгин бўлмайин, қабристонга менинг ёнимга ўн жаноза (яъни, жанозаси ўқилган ўн ўлик) келтирдилар, ичида бир мусулмон йўқ, – деди.

ҚАЙТА ТИРИЛГАН ҚАССОБ

Малик шох подшолиги даврида ҳамда султон Санжар подшоҳлигининг маълум муддатларида Хиротда бир файласуф ва кучли табиб киши яшарди. Уни Адиб Исмоил деб аташарди. У бағоят улуг, фозил ва комил киши эди. Унинг молу мулки ва маишати табибликдан келадиган даромад ҳисобига эди. У киши ўз даврида кўплаб нодир муолажаларни амалга оширган эди.

Бир кун у мол сўйиб сотиладиган бозор олди-дан ўтиб борарди. Бир қассоб кўйнинг ичини тозалаётганини, гоҳ-гоҳ кўйнинг қорнига кўл тикиб, иссик чарвисидан узиб олиб еяётганини кўриб қолди. Хожа Исмоил қассобнинг қаршисида жойлашган дўкондаги баққолга: «Мана бу қассоб ўлган куни дафн қилмасларидан аввал, менга хабар қил!» деди. Баққол унга «Хўп бўлади», деб жавоб берди.

Бу воқеадан беш-олти ой ўтгач, бир куни тонг пайтидан «Фалон қассоб кечаси на касал ва на бетоб бўлмай, кўккисдан ўлиб қопти!», деган хабар тарқалди. Баққол ҳам таъзияга келиб, ёқаларини чок қилиб йиғлаётган ҳамда «Ёш эди, гўдак болалари бор эди», дея афсус чекиб турган одамларни кўрди. Шу

вақт баққолнинг ёдига Хожа Исмоилнинг гапи тушди ва чоғиб бориб унга хабар қилди. Хожа Исмоил: «Ҳали ҳам анча яшабди!» деди. Сўнг ҳассасини қўлига олиб қассобнинг уйига етиб келди. У ўлиқнинг юзидаги пардани кўтариб, кейин унинг томирини ушлади-да, сўнг бир кишига мурданинг оёғи остига ҳасса билан уришни буюрди. Бироз ўтгач, «Етарли», деди. Сўнг сакта¹ иллатига қилинадиган давони қўллай бошлади. Учинчи куни ўлик ўзига келди ва шол бўлиб қолган бўлса-да, узок яшади.

Одамлар буни кўриб таажжубда қолдилар. Бу улут зот эса қассобнинг «сакта» касаллигига йўлиқшини олдиндан билган эди.

* * *

Мазкур Хожа Исмоилни ҳиротликлар пири, Шайхулислоҳ Абдуллоҳ Ансорий ҳеч кўра олмас эди. Неча марта уни йўқотишга қасд қилган, китобларини эса ёқиб юборган эди. Бу кўролмаслик диний нуқтаи назардан бўлиб, ҳиротликлар мазкур табибга ўлиқни ҳам тирилтиради, деб эътиқод қўйишган, бу эътиқод эса авомларга зиён эди.

Кунлардан бир кун шайх касал бўлиб қолди. Касал асносида уни ҳикичок тутта бошлади. Табиблар канча уринишмасин, ҳеч иложи бўлмади. Охири умидсизликка тушдилар. Чорасизликдан унинг пешобини олиб, шайхники эканлигини айтмаган ҳолда, дори сўраб хожанинг олдига юбордилар. Хожа Исмоил пешобни кўриб «Бу фалончининг пешоби, уни ҳикичок тутган, давосига ожизлик қилганлар! Шайхга айтинглар, бир истор² pista мағзининг пўстини бир истор шакар билан туйиб, ичсинлар – шу билан тузалади. Яна унга айтиб қўйинглар: китоб куйдириш эмас, илм ўрганиш керак», деди.

¹ *Сакта* – мия инсульта, апоплексия.

² *Истор* – вазн бирлиги, 4,5 мисқол – 21 грамм.

Табиб айтган икки нарсадан талқон дори тайёрландилар, шайх уни ичгач, дарҳол ҳикичоғи тўхтади ва ором топди.

ИЛДИЗНИ ДАВОЛАШ

Жолинус яшаган асрда Искандария шаҳрининг машҳур кишиларидан бирининг қўл панжаларида оғрик пайдо бўлиб қолди. У жуда қийналди. Оғрик эса босилмасди. Бу ҳақда Жолину**с**га хабар қилишган эди, Жолину**с** беморнинг курагига суркаш учун малҳам юборди.

Беморнинг курагига малҳамдан суркашган эди, оғрик дарҳол тўхтади ва бемор соғайиб кетди.

Табиблар бу муолажага ҳайрон қолдилар ва Жолину**с**дан:

– Мен амалга оширган бу даволашнинг сири нимада? – деб сўрадилар. Жолину**с**:

– Панжадаги оғрикнинг келиб чиқиш жойи куракда эди, мен томирига даво қилган эдим, шохлари шифо топди, – деб жавоб берди.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Бир хотин эридан шикоят қилиб, донишманднинг олдига келибди.

– Эрим бўлар бўлмасга, мени ураверади, – дебди у.

Шунда донишманд унга бир кичкина тош берибди ва айтибди:

– Қачон эринг сени урмоқчи бўлса, мана шу тошни дарҳол тилинг тагига ташлаб ол!

Хотин уйига қайтиб боргач, эри нимадандир дарғазаб бўлиб, уни калтакламоқчи бўлибди. Шунда хотин донишманд берган хосиятли тошни тил тагига ташлаб, оғзини маҳкам юмганича, кимир этмай тура-верибди. Хотини гап қайтармай, индамай турганини кўрган эр шахдидан тушиб, кўчага чикиб кетибди.

Кунларнинг бирида шоҳ Ҳорун ар-Рашид бир оху изидан от қўйди ва сарбозларидан узоклашиб, чўлда адашиб қолди. Атрофий қоронғилик чулғагач, олисдан милтиллаётган учкунга кўзи тушиб, қора тортиб борди. Чўл ўртасида ёлғиз қулбага кўзи тушди. Хонадон соҳиби меҳмонни иззат-икром билан қулбасига қорлади. Қаттиқ хориган ва очикқан шоҳ ичкарига кирди. Мезбон меҳмоннинг эғни-бошига разм солиб, йўлдан адашган бадавлат мартабали зотлардандир деб қўйди.

– Ҳол-аҳволиингиз, яшашиингиз қандай? – дея сўради шоҳ.

– Яратганга беадад шукур, жуда яхши, – дея жавоб қилди мезбон.

– Тирикчилигингиз қандай? Бийдай чўлда нима еб, тирикчилик қилаяпсизлар?

– Яратганга беадад шукур қулини умидсизлантириб қўйгани йўқ, – дея жавоб қилди мезбон. – Бир эчкимиз бор. Эрталаб ва кечкурун бир косадан сут беради. Икки фарзандим, ожизам ва менга кифоя қилади. Ўзига шукур, ичиб роҳатланаяпмиз. Бандада қаноат бўлса, бундан ортиқ нима керак? Сиз бахузур ўтира тулинг, мен ҳозир, – дея мезбон ташқарига чикди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас, қўлидаги товоқда қовурилган гўшт олиб кирди.

– Меҳмон, олинг, – дея мезмон меҳмонга мулозамат кўрсатди. Шоҳ гўштни ея туриб, «мени аллаган экан-да, ҳалигина ярим пиёладан сутга кифояланаяпмиз, деганди», деб ўйлади. Шоҳ чодирда тунаб қолди. Хонадон соҳиблари бор-бисотлари, ягона бўйрани ҳам меҳмон тагига тўшаб, ўзлари шундоқ ерга чўзилишибди. Тонг отгач, мезбон яна бир товоқда қовурилган гўшт олиб кирди. Шоҳ овқатланиб бўлгач, ташқарига чиқар экан, уй олдидаги ёғочга осилган эчки терисини кўриб, барчасига сўзсиз тушунди.

– Эй одам, нега бундай қилдингиз? Ахир бу эчки сизнинг ва болаларингизнинг ризқингиз эди-ку? Бекор қилибсиз, – деди.

– Сиз менга Жаноби Ҳақ томонидан юборилган меҳмонсиз. Уйимда мулким бўла туриб, Аллоҳнинг меҳмонини қандай оч кўяман, – дея жавоб берибди мезбон.

– Бундан сўнг қандай тирикчилик қиласиз, бийдай чўл бўлса?

– Ризклантиргувчи бор, умидсизланмайман. Шох кўйнидан ҳамён тўла олтин чиқариб, мезбонга тутди.

– Мана бу олтинларни миннатдорчилигим белгиси сифатида қабул қилинг, – деди.

– Йўк, – деди мезбон. – Ҳаргиз бундай қилмайман. Аллоҳнинг ҳузурида қим деган одам бўламан? Йўк, бундай қилмайман, ҳатто ўта ночор ҳолимда ҳам!

Шох ҳарчанд ўтинди, мезбон кўнмади. Шунда шох мезбоннинг илқига бир ёрлик тутқазди.

– Мен шох Ҳорун ар-Рашид бўламан. Бошингизга бирор мушкулот тушса, ҳузуримга боринг. Қўлингиздаги ёрликни кўрсатсангиз, сизни қароргоҳимга киритишади, – дея жўнаб кетди. Орадан бир ҳафта вақт ўтибди. Тежаб-тергаб ейилган эчки гўшти ҳам тутабди. Бир неча кун ўтгач, болалар оч қолиб, йиғлай бошлашибди. Камбағал эса, бир кеча меҳмон қилганимни пеш қила олмайман, дея шох ҳузурига боришдан ор қилибди. Ночорлик ҳаддан ўтиб, болалари очликдан ҳолсизлана бошлагач, ноилоҳ йўлга тушибди. Дарвозадаги соқчилар ёрликни кўришиб, уни ичкарига қўйишибди. Бундай ёрликни кўрсатган киши, хоҳлаган вақтда саройга кириш ҳуқуқига эга бўлар экан. Бу вақтда эса улуғ шох ибодат қилаётган экан. – Эй, Худо, ўтинаман, менга давлат ато этгин. Урушдан сўнг қийналиб қолган халқимга мурувват кўрсатай, ўтинаман, улар учун менга марҳамат қил дея – улуғ шох саждада зор-тавалло қилиб йиғлаётган экан. Буни эшиган фақир келганидан уялиб кетибди.

«Мен ўз нафсим учун шох ҳузурига бош эгиб келдим. У эса халқи учун Яратгандан марҳамат тилаяпти. Эй Худо, сен туриб бандаларингдан умидвор

бўлмай, ишим тушмасин», дея йиғлаб сахрога чикиб кетибди. Сахрода ўтириб «энди болаларим хузурига қандай бораман», дея роса йиғлабди. Таёғини кумга уриб ўтирар экан, баногоҳ таёқнинг учи нимагадир тегибди. Кавлаб қараса, бир хум олтин. Факир олтинни олиб, шоҳ хузурига келибди. Бўлган воқеани айтиб, шохнинг пойига олтинни қўйибди.

– Бу олтинни Жаноби Ҳақ сизга ато этмиш, ўзингизга олинг, – дея шоҳ мурувват кўрсатибди.

– Йўк, – дебди факир. – Мен ўз кунимни бир амалларман, сиз халқ учун жон куйдираяпсиз. Бунда кўпроқ сизнинг ҳақкингиз бор, – дебди. Шоҳ олтиндан бир ҳовучини олиб камбағалга тутқазибди. Камбағал рози бўлиб, чўлига кетибди. Орадан бир йил ўтиб, шоҳ яна шикорга чикибди. Бу сафар чўл ўртасида ҳашаматли ва катта ипак чодирга рўбарў келибди. Чодирдан эса, юз-кўзидан нур ёғилиб турган, эғнибоши расо ҳалиги одам чикиб келибди. Шоҳ ҳайрон қолибди.

– Улуғ шоҳ, сиздан олган олтинларимга мол-ҳол қилдим. Бирим-юз, юзим-мингга айланди. Ўзим каби факирларга қанчалик улашмай, мулким камаймай, аксинча, яна ортиб бормокда, – дебди. Шоҳ бу гапни эшитиб мамнун бўлибди.

* * *

Анушервон хузурига узоқ-яқиндан вакиллар келган экан. Анушервон илму донишда мумтоз вазири Бузургмеҳрнинг ақлу заковатини меҳмонларга кўз-кўз қилиш ниятида ундан:

– Эй, ҳаким, дунёда энг яхши нарса нима? – деб сўрабди.

– Дунёда уч нарсадан ўтадиган ҳеч нима йўк, – дебди Бузургмеҳр.

– Нима экан улар?

– Ўлим, аёл ва эҳтиёж.

Анушервон бу жавобдан хижолат бўлибди ва ҳаким беъмани гап айтиб қўйди, деб ўйлабди. Ке-

йин кулай фурсат топиб, бу нима деганинг, дурустроқ шархлаб бер, дебди. Шунда Бузургмеҳр:

– Э, шахриёри олам, аёл бўлмаганда сенга ўхшаган зот қаердан туғиларди, ўлим бўлмаганда отангининг салтанати сенга тегармиди, эҳтиёж бўлмаганда менга ўхшаган одам сенинг саройингда турармиди, – дебди.

ОҚИБАТЛИ ҚЎШНИ

Абдурахмон Авзоъий арафа куни кечкурун уйда эди. Кимдир ҳовли эшигини қокди. Чиқиб қараса қўш-ниси экан. У камбағал ва сербола одам эди. Мўлтираб ялиниб-ёлворди:

– Э, хожа, мана эртага ҳайит. Лекин киссамда қора чака ҳам йўқ. Бир оз пул бериб туролмайсизми?

– Қани суриштириб кўрайлик-чи, – дебди у қўш-нисига ва дарвозани ёпмай уйга қайтиб кирди ва хотини билан маслаҳатлашди. Хотини бор-йўғи йигирма беш дирҳам оқчамиз бор, бир қисмини майли қўшнига берайлик, қолган қисмини эртага ўзимиз ҳайитлик қилайлик, – деди.

– Йўқ! – деди у хотинига, – қўшнига оқчанинг ҳам-масини берайлик, шундай қилсак савобнинг бир қис-ми барибир бизга тегади.

ФЕЪЛИГА ЯРАША

Уч дўст сафарга чиқибди. Тунаш учун бир қиш-локка қўниб ўтишни лозим кўришибди. Буларни си-наб кўрай, – дебди мезбон. Йигитларнинг бири эшик-ка чикқач, уй эгаси сўрабди:

– Бу ҳамроҳингиз қандай йигит ўзи?

Уйда қолган икки йигит:

– Ҳа, у аҳмоқ эшакдай қайсар бола, – дейишибди.

Йигит бир оздан сўнг уйга қайтиб кирибди. Бош-калари эса чиқиб кетишибди.

Уй эгаси уйда қолган йигитдан:

– Ҳамроҳларинг қандай йигитлар? – деб сўрабди.

– Қора телпак кийгани бор-ку, уям итдай баджаҳд, кўрс.

– Иккинчиси-чи?

– Молдай бефаҳм бола.

Кечки овқат пайтида уй эгаси ҳамроҳлари томонидан «эшак» деб таъриф берилган йигитнинг олдига арпа, «мол» деб аталганига бир кучоқ пичан, «ит»га эса овқат қолдиқлари ва суяклар келтириб қўйибди. Йигитлар таажжубланишиб бараварига уй эгасига тикилишибди.

– Ажабланманг, – дейди уй эгаси. – Ўзингиз айтдингиз: биримиз – эшак, иккинчимиз – мол, учинчимиз – ит деб. Шунинг учун ҳам ҳар кимнинг олдига ўз таомини келтириб қўйдим.

* * *

Баъзи кишилар оғзиларига зўр бериб, уйда ўтирган пайтларида бўлмаган ишларни ҳам бўлдириб юбордилар. Оғир ва мушкул ишларни бир лаҳзада ҳал қилмоқчи бўлиб мақтанадилар. Аммо иш устига келгач, мумкин қадар иложини топиб, қочиб қолиш йўлини қиладилар. Бу ҳақда шундай ҳикоятни келтирадилар.

Ёввойи эчки боласи кийикдан: «Ҳайронман, нега сен итдан кўрқасан? Гавданг ундан катта бўлса, қаршилиқ қилиш учун бошингда шохларинг бор, урушмай қочиб кетишингга сабаб нима?» деб сўради. Кийик: «Ростини айтсам, ҳар гал ўзим ҳам, итдан нечун кўркаман, ундан ҳар томонлама устунман-ку. Бу сафар албатта итларга қарши жанг қиламан, дейман-у, бироқ итларнинг овози келди дегунча қандай қилиб қочиб қолганимни ўзим билмай қоламан!» – деб жавоб берди.

* * *

Ҳотам айтур: «Ҳар кун бомдоддин (кейин) шайтон келиб, васваса қилур. Айтадурким:

– Бу кун на таом ерсан?

– Ўлимни ейдурман.
Ва яна дейдур:
– На эгин (кийим) киярсан?
Ман айтадурман:
– Кафан кижурман.
Яна айтур:
– Қайси маконда бўлурсан?
Мен айтадурман:
– Гўрда бўлурман.
Ва чун мендин бу жавобларни эшитди: «Ушбу одамнинг ёмонидур», деб чиқиб кетадур».

* * *

Ҳотам қошида дедиларким: «Фалон киши бисёр мол ва дунё жам қилибдур».

Ҳотам деди:

– Тириклигини ҳам жам қилибдурму?

Дедилар:

– Йўқ.

Ҳотам деди:

– Андоқ эрса, ўлик мол на ишға ярагусидур, ва молға ўлук на фойда этгусидур?

* * *

Иброҳим Адҳам бир куни дарё бўйида жандасини ямаб ўлтуриб эрди. Бир киши келди. Иброҳимға деди:

– Балхнинг подшоҳлигини ташлаб нима топдинг?

Иброҳим илкидаги игнасини дарёға ташлади. Дарёға ишорат қилдиким, эрса, минг балиқ дарёдин бош чиқарди. Ҳар бирининг оғзида бир игна эрди, Иброҳимнинг олдиға келадур.

Иброҳим деди:

– Менга ўзумнинг игнам лозимдур.

Бир заиф балиқ Иброҳимнинг игнасини тишлабдур, келтуруб, Иброҳимға берди.

Иброҳим ул кишиға дедиким:

– Балхнинг подшоҳлигини ташлаб, топқонимнинг озгинаси ушбударким – кўрдинг, ўзгасин билмассан.

* * *

Бир куни имом Жаъфар Содик Боязидга дедиларким, токчадаги китобни келтур.

Боязид деди.

– Қайси токчадин?

Имом дедиларким:

– Неча муддатдурким мунда бўлубсан, токчани кўрмадингму?

Боязид деди:

– Кўргоним йўқдурким, бу ишлар била не ишим бўлғайким, сизнинг олдингизда бошимни кўтаргайман ва мен бунда тамоша учун келганим йўқдур.

Имом Жаъфар Содик дедилар:

– Агар мундоқ бўлса, сенинг ишинг тамом бўлубдур. Эмди Бастомға ёнгил (яъни камолот ҳосил қилибсан).

* * *

Боязиднинг уйидан то масжидга қадар қирқ қадам эрди ва уйдин чиқиб масжидга боргунча масжиднинг хурматини сақлаб, ҳаргиз йўлда тупурмас эрди.

* * *

Нақл қилибдурларким, Боязид айтур:

– Ҳамма ибодатдин кейин қилур иш деб билганим, ҳаммадин илгари қилур ишим волиданинг ризоси ва анинг хизмати эрмиш.

* * *

Боязид Маккадин Ҳамадон шаҳрига келди ва бозордин емишга зарангза олди. Ҳожатиға сарф қилиб бир овуч зарангза қолиб эрди, жанда бурчиға тўкиб қўйди ва Бастомга кириб келди. Жандадин зарангза олди эрса, кўрдиким, икки-уч чумоли зарангза бирла келиб эрмиш.

Дедиким:

– Оҳки, буларни ўз юртидин овора қилибдурман, деб қўпти ва ул чумолиларни олиб, Ҳамадонга элтиб. чумолиларнинг макониға етқуриб қўйди.

* * *

Қачонким, Боязиднинг мартабаси баланд, иши кундан-кунга улуг бўлди, анинг сўзи халойикнинг фахм-идрокига сиғмади. Етти маротаба Бастом шаҳридан қувгулаб чиқардилар.

Боязид дедиким:

– На хуш, ўбдон шаҳарким, ёмони Боязиддур!

* * *

Боязид бир кеча гўристонликдан ўтиб борур эрди. Бастомнинг бузургзодаларидан бир йигит илкида рубоб, маст ўтуб келур эрди. Боязидга ёвуқ етти эрса Боязид «Лоҳавла валоқуввата», деди. Ул йигит Боязиднинг бошига рубоб бирла солди. Ҳам рубоб синди, ҳам Боязиднинг боши ёрилди.

Боязид ўтиб уйига борди.

Тонгласи эрта кун бир табақда ҳолва ва рубобнинг баҳосини ходимидин ўшал йигитга юбориб, узр айтиб дегил дедиким, тунокун рубобинг менинг бошимга тегиб синди. Бу пулга яна бир рубоб олғил ва бу ҳолводин бир-икки луқма егил. То рубобинг синганининг ғами ва кўнглинг оғриғонининг аччиғи хотинингдан чиқғай. Ул йигит бу ҳолни кўрди, бу сўзларни эшитти эрса, келиб шайхнинг оёғига йиқилди.

* * *

Накл қилибдурларким, бир куни Боязид кетиб борур эрди. Бир сағ ҳамроҳ бўлди. Боязид ул сагдин этак тортди.

Сағ дедиким:

– Мен агар қуруқ бўлсам, ҳеч зиёни йўқдур ва агар ҳўл бўлсам яна туфроқ била, сув била ориғ бўлмоқни сенга ва менга буюрибдурлар.

* * *

Жаъфар Содик Абу Ҳанифа Рухуллодин сўрдиларким:

– Оқил кимдур?

Имом айдиларким;

– Оқил улдурки, яхши ва ёмонни имтиёз қилғай.

Содик айдилар:

– Бу имтиёз ҳайвонларда ҳам бўладурким, камчи сўққонни ва бўғуз бергонни фарқ қиладур.

Абу Ҳанифа айдилар:

– Сизнинг назарингизда оқил кимдур?

Содик айдилар:

– Оқил улдурки, икки ўбдоннинг орасидин ўбдонроқини ихтиёр қилғай ва икки ёмоннинг орасидин яхшироқини ихтиёр этгай.

* * *

Фузайл дебдур:

Бадбахтнинг нишочаси беш нимарсадур: аввал кўнгли қаттиқ бўлмоқ, иккинчи – кўзи уётсиз бўлмоқ, учинчи – бешарм ва баҳаё бўлмоқ, тўртинчи – дунёга мойил бўлмоқ, бешинчи – умид риштасин узокга солмоқ, яъни бу йил мундоқ қилай, келурга андоқ қилай, демак.

* * *

Дебдурларким:

Икки иш бордур, кўнгилни фасодиға еткурур, яъни аввал тўла емоқ, иккинчи – тўла уйқуламоқ.

* * *

Шайх Малик дебдур: бу замонанинг халқининг дўстлиқини бозор таоми янглиғ аччиқ топибдурманким, ранги-рўйи хушдур, аммо таъми нохушдир.

Маърифат улдурки, ўзингда зарра чоғлик хусумат ва адоват топмасанг.

* * *

Ҳар кишиким, анинг сўзи ҳикматдан ташқаридур. аини офатдур.

* * *

Жаъфар Содик дебдурларким: беш кишининг суҳ-
батидин хазар қилгил: аввал – ёлғончиким, анинг
бирла хамиша фириб ерсан; иккинчи – аҳмоқ ва сод-
даким, сенга манфаат деб бир иш қилурким, зиёнинг
ондадур; учинчи – бахилким, ўбдан вақтда сендан
айрилар; тўртинчи – кўркунчокким, ҳожат вақтида
сени ташлар; бешинчи – фосикки, бир лукманинг та-
маъсида сени ярим лукмага сотар.

* * *

Бир куни жами машойихлар ўлтириб эрдилар. Иб-
роҳим Адҳам улар суҳбатиға келиб эрди, машо-
йихлар Иброҳимға йўл бермади. Дедилар: «Ёнгилким,
доғи ҳам сандин подшоҳлик ва ҳукуматнинг сас-
сиқлиғи келодур».

* * *

Бир киши Баширнинг қошиға келди ва маслаҳат
сўрдиким:

– Икки минг ашрафийим бор, ҳалолдур, хоҳишим
улдурким, ҳажға борғайман.

Башир дедиким:

– Томоша қилғоли борурмусан? Агар Худо ризо-
лиғи учун борсанг у ашрафий бирла бир қарздориинг
қарзини адо қилгил ва ё бир етим кишиға бергил ва
ё бир аёлманд кишиға бергилким, бир кишининг
ҳожатин чиқариб ва кўнглиға роҳат еткурсанг сенға
савоби юз ҳаждин зиёда бўлур.

ОТАЛИК МАСЪУЛИЯТИ ОҒИР

Бир куни Амир Темур ўзининг кам сонли аскарла-
ри билан Лангар ота мавзесига келиб тушди. Тоғлар
орасидаги бу кишлоқ сўлим ва салқин эди. Амир Те-
мур ёзни шу кишлоқда ҳарбий машқ билан ўтказишни
ўйлаб кўйди. Сарбозларини хонадонларга жойлаштир-
ди, ўзи эса, кишлоқ чеккароғида, дарё бўйига жойлаш-
ди. У ёшлик чоғидан ўтовда ётишни ёқтирарди.

Амир Темур ўтов этагидан кигизни салгина кў-
тариб қўйди. Ғир-ғир шабада эсди, димоғига ёввойи
гулларнинг муаттар иси урилди. У дарё тарафга тики-
либ қолди. Шу пайт от етаклаган бир жувон кўринди.
Жувон отини ўтов ёнидан олиб ўтиб, дарё томон бо-
рарди. У отининг бошини бўш қўйди. Арғумоқ су-
га энгашди. Аёл ҳам дарёда юз-қўлини юва бошлади.
Амир Темур хаёлга толди: «Нечун аёл боши билан от
етаклаб юрибди?»

Жувон отини суғориб бўлиб, изига қайтаётганда
Амир Темур унинг йўлини тўсди.

– Ўзр, синглим, сизга бир оғиз гапим бор эди.

Аёл рўмолининг учи билан юзини ярим бекитди:

– Майлингиз, тақсир.

– Нечун сиз мундоқ юрибсиз, от суғорадиган ки-
шингиз йўқмиди?

– Бор, – деди аёл хижолат бўлиб, – у кишим уйда
қолдилар.

– Бориб кишингизга айтинг, – деди аччиқланиб
Амир Темур, – менинг олдимга келсин! Оқ ўтовга, де-
сангиз, ўзи билади.

Бир оз фурсатдан кейин ўрта ёшлардаги, норғул
киши етиб келди. У Амир Темурнинг Лангарни қа-
роргоҳ қилиб турганидан хабардор эди. Ўтовга кириб,
таъзим қилди. Темур гапни танбех беришдан бош-
лади:

– Бу элда эркаклар ориятни йўқотиб қўйган шекил-
ли, биродари азиз! Сиз уйда ёнбошлаб ётинг-у заифан-
гиз от суғориб юрсин! Шу амал эр кишига ярашурми?

Тоғлик киши қизариб қулимсиради:

– Танбехингиз ўринли, бек оға, – деди у қуллук
қилиб. – Мен ҳам унақа номард эмасман. Хотинга
от суғортириб, уйда ўтиришни ўзим учун ор деб би-
ламан. Аммо ҳар бир хонадонда учта-тўрттадан
сарбозларингиз бор. Улар ёш, қони қайноқ. Бу ёқда
икки қизимнинг бўйи етиб турибди. Ожиз кабутар-
ларни бургутнинг чангалига ташлаб кетолмайман-
ку, тўғрими, оғажон? Хотинни дарёга юбордим, ўзим
қизларга қоровул бўлиб ўтирдим.

Отанинг гапи Темурга каттиқ таъсир қилибди. У сарбозларини хонадонларга жойлаштириб, хато қилганини англабди. Эртасига аскарларини бир ерга жамлаб, уларга алоҳида чодирлар тиктириб берган экан.

РИЗҚ ҲАЛОЛ БЎЛСА...

Бир киши саҳродаги ёлғиз дарахт остига минг мискол зарни кўмиб, сафарга кетди. Қайтиб келгач, дарахт тагини кавлаб, зарни топа олмади. Кимдир олган...

Бетокат бўлиб, козининг ҳузурига борди. Ўткир ақл-идрокли, заковатли, адолати билан машҳур қози бир оз ўйланиб тургач, шундай деди:

– Ҳозир уйингга бориб, хотиржам ором ол. Уч кундан кейин менинг олдимга кел. Бирор чорасини топа-миз, иншооллоҳ...

Қози ушбу вилоятнинг энг машҳур табибини ҳузурига чорлади. Табиб келгач, ундан сўради:

– Фалон дарахтнинг ҳеч бир хосияти борми? У бирон дардга даво бўлиши мумкинми?

Табиб деди:

– Унинг хосиятлари ва манфаатлари кўпдир. Бир қанча дардларга унинг томиридан ҳам яхши даво бўлган гиёҳ йўқдир.

Қози табибдан сўради:

– Якин орада бирон беморни шу дарахт томири билан муолажа қилдингми?

– Ҳа, бир ойча бўлди. Фалон даҳада яшовчи бир беморни муолажа қилдим. Ҳозир тан-сиҳати дуруст, шифо топган.

Қози табибга раҳмат айтиб, кузатиб қўйди. Кейин у айтган беморни чакиртирди. Унга хилватда кўп ваъз-насихатлар қилиб, ҳикмат билан аҳволни баён этди. Кўнглини юмшатди.

Ақл билан қилинган тадбир натижасини берди: ўғри зарни эгасига қайтарди.

Ҳалол касб қилиб топилган бойлик Ҳақ таолонинг ҳимоятида бўлишига мана шу ҳикоят ёрқин мисолдир.

ДЕВОРДАГИ ЁЗУВ

Ибн ал-Ҳорис айтади:

– Бир йигит бойлик кидириб уйдан чиккан эди. У йўл юриб чарчаб, бир харобанинг олдига келиб ўтирди. Ногоҳ унинг кўзи деворга ёзиб қўйилган куйидаги сатрларга тушади:

*Эй қаршимда ўтирган,
сени кўриб турибман,
Билдимки қайғу-ғамдан
юрагинг тўла қондир.
Қийнамагил ўзингни,
борингга сабр айла,
Қаноатли кишидан
ғаму-кулфат ниҳондир.*

Йигит бу сатрларни ўқиб, бойлик топиш фикридан қайтди ва уйига кетди.

ҒИЙБАТНИ ТАРК ЭТИШ

Абу Таййиб ат-Тоҳирий дўсти Бани Самони тинимсиз ғийбат қилар эди. Бир куни ибн Аҳмад деган киши унга:

– Қачонгача одам гўшти билан нон қўшиб ейсан? – деди.

Абу Таййиб шу кундан бошлаб ғийбатни ташлади.

ҒИЙБАТ УЧУН МУКОФОТ

Ҳасан Басрийга:

– Бир киши сени ғийбат қилди! – деб айтадилар.

Ҳасан дарҳол ғийбат қилган кишига бир товоқ хурмо юборади. У киши хурмони олгач, ўша онда Ҳасаннинг олдига келди ва:

– Мен сизни ғийбат қилган эдим, сиз менга хурмо юборибсиз, сабаби нима? – деб сўради.

Ҳасан унга:

– Сен менга яхшилик юборган экансан, мен эвазига хурмо юбордим! – деб жавоб берди.

Бундан маълум бўладики, ғийбат ғийбат қилинувчи учун тўғри йўл кўрсатиши мумкин, аммо ғийбат қилувчига зарар келтиради.

ИТ ВА ТУЛКИ

Бир шаҳарнинг атрофида далада қўйлар отари бўлиб, чўпон ўз қўйларини кўриклаш мақсадида итини посбон қилиб тайинлади. Ит содиқлик билан қўйларни кўриқлар, ҳеч бир жонзотни қўйлар яқинига яқинлаштирмас эди.

Кунлардан бир кун, далага яқин тоғда тулки ит билан тил топишиб қолди. Тулки итга иккиюзламачилик қилар, итнинг кўнглида эса, у билан айшу ишрат қилиш таъмаси жўш урар эди. Ит шу таъма туфайли тулкига ҳар куни биттадан кўзи инъом қила бошлади. Қўйларнинг камайиб бораётганини сезган чўпон бир куни ўзича: «Садоқатли итим бўлса-ю, нега бундай ҳол юз бераяпти?» деб ўйлади-да пойлашга тушди. Воқеадан огоҳ бўлгач, «ўзингдан чиққан балога қайга борасан даъвога, тулки итни йўлдан урибди», деди.

КЎРНАМАК

Бир подшоҳ рикобдорлик вазифасини бажарувчи мулозимга қараб: «Бир сирим бор, аъёнлардан ҳеч кимга айтишга кўнглим, бўлмаёпти, уни сенга айтмоқчиман!» деди. Рикобдор унга:

*Жоним таним ичра
бор экан пинҳон,
Сиринг жоним ичра
яширин мудам, –*

деб жавоб берди. Подшоҳ унга: «Акамдан хафаман, унинг зарари менга етмай туриб, вужудининг тиконини мамлакат чаманидан юлиб ташламоқчиман!» деди.

Рикобдор ахвол саҳифасига бевафолик рақамини чекиб, унинг акаси олдига борди ва бўлган воқеадан уни огоҳ қилди. Подшоҳ вақтида чора-тадбирни кўриб қочиб кутулди.

Орадан бир қанча муддат ўтгач, подшоҳ ўлди ва унинг акаси тахтга ўтирди. Унинг биринчи фармони рикобдорни ўлдириш ҳақида бўлди.

У рикобдорга деди:

Тилинг бўлса эди сир учун йўлдош,

Қиличдан узилмас эди хаста бош!

Шундай қилиб, рикобдор маломат ўкига нишон бўлди ва кўрнамаклик қуръаси унинг ҳаётига тамға бўлиб босилди.

НАСИҲАТ

Бир бия ва унинг боласи дарёдан сув ичаётганди. Отбоқар бошқа отларни ҳам ҳуштак чалиб сув ичишга ундади. Ҳуштак овозидан тойчоқ чўчиб, атрофга кўрқув билан аланглай бошлади.

Бия:

– Болажоним, нега сув ичмаяпсан? – деди.

Тойчоқ:

– Ҳуштак овозидан кўркиб кетдим. Отбоқарнинг ҳуштак чалишидан жуда-жуда кўрқаман!

Бия боласининг ҳолини кўриб:

– Сен чўчима, чанқоғингни бос! Дунё шундай яратилган. Агар ҳозир енгилиб, сув ичмасанг кейин қаттиқ пушаймон бўласан, – деди.

«НЕГА МУМКИН ЭМАС?»

Қадим замонларда бир ҳукмдор аёл ўтган экан. У бир куни қўл остидаги барча фозил кишиларни йиғиб, шундай саволни ўртага ташлабди: «Нима учун эр-

каклар бир неча хотинли бўлишга ҳақлилар-у, лекин аёллар битта эр билан яшашлари керак?»

Ҳукмдор аҳли донишларнинг агар мана шу саволга у иқрор бўладиган даражадаги жавобни тополмасалар, қатл этажагини таъкидлабди.

Олимларнинг роса бошлари қотибди, аммо бирор жўяли жавоб топа олишмабди. Кенгаш бошлиғи эртагиндин рўй беражак фожиани ўйлаб, чуқур қайғуга чўмибди. Унинг бир зийрак кизи бор экан, отасининг аҳволидан ҳайратланиб:

– Маҳзулигингиз сабабини билсам бўладими, отажон? – деб сўрабди.

– Билганингиздан фойда йўқдир, кизалоғим, – дебди ота.

– Сиз айтинг, балки чора топармиз.

Ота воқеани сўзлаб берибди. Қиз ўйлаб-ўйлаб, шундай дебди:

– Саволга жавоб топиш учун маликадан бир йил муҳлат сўранг. Кейин менга бир неча хил сабзавот уруғларини келтириб беринг.

Ота кизининг айтганларини бажарибди. Қиз баҳор келиши билан ҳосилдор ерни танлаб, уни икки бўлакка ажратибди. Бир томонига уруғларни аралаштирган ҳолда, иккинчи томонига ҳар уруғни алоҳида-алоҳида экибди. Уруғлар униб чиққач, ҳар иккала майдонга бир хил ишлов берибди. Ҳосилни йиғадиган пайт келганда, маликадан унинг далага келишини илтимос қилибди.

Жамоанинг кўз ўнгида ҳосилни алоҳида-алоҳида йиғибди. Сўнг дебди:

– Мана бу аралаштириб экилган уруғларнинг ҳосили: нимжон, асл хусусиятини йўқотган, мазасиз ва сифатсиз. Мана буниси эса алоҳида экилган уруғнинг ҳосили: бўлик, сархил ва уруғи ҳам сифатли.

Саволингизга келсак, аёл – она, у ер кабидир. У наслнинг давомийлигини таъминлаши шарт. Яратган шу боис, яъни унинг ва фарзандларининг поклигини сақлаш мақсадида эркакларга берилган айрим ҳуқуқларни унга ман этган.

Хукмдор аёл кизнинг донолигига икром бўлиб, уни ўзига яқин маслаҳатчи этиб тайинлаган экан.

БОЙ ВА УНИНГ ХИЗМАТКОРИ

Бир бахил бой хизматкорини пишган калла олиб келиш учун бозорга юборибди. Хизматкор оч бўлгани боис сотиб олган калласини йўлда ебди ва суягини хўжайинига келтирибди.

Хўжайин дебди:

– Эй хизматкор, нима келтирдинг ўзи?

Хизматкор жавоб берибди:

– Бозорда бундан яхшироқ калла йўқ экан.

– Бунинг кўзлари қани? – деб сўрабди хўжайин.

– Бу қўйнинг кўзи кўр экан, – жавоб қилибди хизматкор.

– Унда гўштлари қаерга кетди? – сўрабди хўжайин.

Хизматкор унга шундай жавоб қилибди:

– Эгаси бир бахил бой бўлиб, ҳеч нарса бермас экан, шунинг учун у озиб кетибди.

Хўжайиннинг фиғони фалакка чиқиб дебди:

– Каллапазлар бозоридан калла ўрнига суяк келтирган аҳмоқ хизматкор экансан-да?

Хизматкор дебди:

– Мен аҳмоқ бўлсам, хизматкорини туну кун очликда сақлаб, калла келтириш учун бозорга юборган хўжайинни нима деб аташ керак?

* * *

Бир гадо овқатланиб ўтирган одамлардан:

– Нима еябсизлар? – деб сўради.

– Заҳар еябмиз, – деб жавоб беришди.

Гадо қўлини чўзди.

– Менга ҳам беринглар, сизлар ўлсангиз менга ҳам ҳаётнинг қизиғи йўқ.

* * *

Бир одам Хорун ар-Рашиднинг вазири Яхё ибн Холидни учратиб:

– Сиздан бир нарса сўрамоқчиман? – деди.

Яхё ибн Холид:

– Мен ҳам сиздан бир нарсани сўрамоқчиман? –

деди.

– Нимани сўрамоқчисиз? – деди илтимосчи.

Яхё ибн Холид айтди:

– Сўраганимга рози бўласизми?

Илтимосчи:

– Рози бўламан, – деди.

Яхё айтди.

– Мендан ҳеч нарсани сўраманг, илтимос.

Илтимосгўйнинг рози бўлишдан бошқа иложи қолмади.

* * *

Сулаймон ибн Довуд айтади:

– Ақлли аёл оилани мустаҳкамлайди, аҳмоқ аёл оилани бузади.

* * *

Бир донишманддан сўрадилар:

– Душманларингиз ичида ким ўзини дўст қилиб кўрсатади?

Донишманд жавоб берди.

– Ҳасадгўй ўзини дўст қилиб кўрсатади.

* * *

Бир одам ал-Ҳазирий ҳузурига шикоят билан келибди ва унга:

– Дўстлик ҳурмати ёрдам бер, менинг бор-йўғимни ўғрилар талаб кетишди, деб арз-дод қилибди.

– Энди нима қилмоқчисан? – сўрабди дўсти.

– Дўстлигимиз ҳурмати, таланган нарсаларимнинг пулини берсанг.

Буни эшитган ал-Ҳазирий қулибди ва:

– Ундай бўлса, таланган сен эмас, мен эканман, – дебди.

* * *

Бир айёр ва юлғич одам бадавлат дўстидан пул сўраб, «Иккаламиз қариндошмиз, ахир!» – дебди.

– Қайси тарафдан қариндошмиз? – сўрабди бой.

– Барчамиз Одам Атонинг фарзандларимиз-ку, – важ топибди айёр.

Бой ҳамёнидан 2 дирҳам чиқариб, айёрга берибди ва дебди:

– Бошқа қариндошларинг ҳам кутиб қолишди, улар ҳам сенга 2 дирҳамдан беради.

* * *

Халифа Маъмун қозига, «Сен адолатли иш қилсанг менинг шаън-шавкатим ортади», – деб уқтирибди. Сўнг ошпазига: «Сенинг хуштаъм таомларинг билан вужудимда саломатлик барқарор бўлади. Жонингни асрагандай менинг ҳам соғлигимни асра», – деб тайинлабди. Охири қотибига: «Сен менинг ақлимсан, менинг айтганларимни тўғри ва чиройли ёзсанг, мени оқил деб мактайдилар, сен менинг ақлим қўриқ-бонисан, унутма» – деб таъкидлабди.

* * *

Холид ибн Суфён бир сергап одамга:

– Чиройли сўзлаш кўп гапириш эмас, балки ишончли далиллар билан гапнинг лўндасини айтишдир. Қисқа ва аниқ гап мўлжалга тегади, – дебди.

* * *

Бир донишманддан сўрабдилар:

– Ҳаёт машаққатларини қандай енгиш мумкин?

Донишманд дебди:

– Ҳов, тоғдаги тош йўнувчи устанинг меҳнатини кўрганмисизлар? Уста бир парча тошни тоғдан ажратиб олиш учун юз марта болға уради. Тош метиндай

тураверади. Юз биринчи уришда эса тош бўлинади. Сўнгги болға зарби ишни ҳал қилгандек. Аслида юз марта болға урилмаганида тош юз биринчисида ҳеч вақт бўлинмас эди. (Ҳаёт машаққатларига чидаб яшаган одам бир куни мақсадига эришади).

ОЛИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Машхур олимга иккита савол беришди. Биринчиси:

– Инсониятнинг қайси ҳаракати сени ҳайратга солган?

Олим бирма-бир санай бошлади:

– Болаликдан зерикадилар ва тезроқ улғайишга шошиладилар. Вақти келиб эса, болаликни соғинадилар.

– Пул топаман деб соғликни йўқотадилар, аммо соғликни қайтариш учун яна пул сарфлайдилар...

– Эртанги кунни ўйлаб хавотир оладилар-у бугунни унутадилар. Шунинг учун ҳам на бугунни, на эртаги деб яшайдилар. Дунёдан яшамагандек ўтиб кетадилар...

Гал иккинчи саволга келди:

– Сиз уларга нимани тавсия қиласиз?

Олим жавоб берди:

– Ҳеч кимни ўзингизни яхши кўришга мажбурламанг!

– Мухими, ҳаётда кўп нарсага эга бўлиш эмас, кам нарсага эҳтиёж сезишдир.

– Сизни яхши кўрадиган инсонлар кўпчилик. Аммо улар туйғуларини қандай ифода этишни билмаётган бўлишлари мумкин.

– Базан бошқалар томонидан кечирилибгина қолмай, ўзингизни кечира олишингиз ҳам керак.

* * *

Сахийликда ном чиқарган бир бойнинг олдига камбағал тиланчи келиб, хайр сўрабди. Тасодифан тиланчи хассасининг учи билан бойнинг оёғини босиб,

хассасига таянибди. Қўли очик бой хайр қилган экан, камбагал кетибди. Шу аснода ҳозир бўлган одамлар ундан сўрашибди:

– Ҳассаси бармоғингни босганда, нега чидадинг?

– Оёғимни босганини айтсам, хайримни олишдан уялади, деб қўркдим, – дебди бой.

ҲАЗРАТИ ШАЙХ ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙДАН

Ёшлик пайтларида икки толиби илм билан келишиб, бориб илм олмоққа сўз қилдилар. Ихтиёри онасида эди, онаси изн бермагани учун бора олмади. Термизий қабристонларга бориб йиғлар эди:

– Ё Худо-ё! Ул икки йўлдошим кетдилар, илм билан машғул бўлдилар. Улар тезда олим бўлгайлар, мен жоҳил қолгайман, – деб бу сабабдан ичи ёнар эди. Ногоҳ (унга) бир ўткинчи пир йўлиқди. Дедики:

– Эй, ўғил, йиғлама, қайғуланма. Ул икки йўлдошингдан кўра олимроқ бўлмоқни истармисен?

– Истармен, – деди...

Ҳазрати Термизий айтди:

– Ул пир менга бир ерни тайин этди. Ҳар куни, ул кўрсатган ерга борар эдим, менга сабоқ берар эди. Уч йил менга шу йўсин бутун анвойи илмлардан кўрсатди ва ўргатди. Сўнг билдимки, ул зот ҳазрати Хизр пайғамбар алайҳиссалом экан. Бу улуғ давлатни онамнинг ризосида топдим...

* * *

Шайх Абу Бакр Варроқ бир куни ҳазрати Муҳаммад Термизийга:

– Сени бир ерга элтсам, меним билан борурмисен? – деди.

– Фармон сенинг фармонингдир, – деб жавоб берди. Ёнига тушди, биргаликда жўнадилар. Бир мушкул ерлардан ўтдилар. Ногоҳ бир дарахт тагига етишди. Ундан бир олтин тахт қурилган бўлиб, оқ кийимлар қийган чиройли суратли бир киши тахт устида

ўлтирар эди. Унинг қошига бориб салом бердилар. Ул киши ҳазрати Муҳаммад Термизийга таъзим қилиб, ёнига ўтказди. Кўп турли сўзларни сўйлашдилар. У ҳеч уларнинг сўзини тушунмади. Бир соатдан кейин ҳар томондан тўп-тўп одамлар келди. Қирқ киши бўлдилар. Тахт устида ўлтирган киши кўкдан ёнга ишорат қилган эди, таом тушди. Едилар. Турли-туман сўзларни сўйлашдилар. Ҳаким Термизий ижозат сўради. Яна қайтдилар. Кетаётиб, Абу Варроқ Термизийга:

– Юргил, саййидлардан бўлдинг, – деди.

Бир соат ичида Термизга етдилар.

– Бул борганимиз манзил Термиздан бир ойлик йўлдир, – деди.

Термизий сўради:

– Борганимиз ер қаер ва ул тахт устида ўлтирган киши кимдир?

– Борганимиз жой – бани Исроил юрти, у ер Қутб эди ва ул келганлар қирқлар (чилтан) эди, – деди.

* * *

Шайх ҳаким Термизий замонида бир зоҳид бор эди. Доимо Термизий билан мунозара қилиб – тортишиб, уни инжитар эди. Зоҳиднинг дунёлиғи (молдунёси) кўп эди. Шайх ҳазратларининг ёлғиз бир қаласи бор эди, холос. Кечалари шунинг ичида ётар эди. Бир гал келиб қараса, қапа ичида бир ит ётибди. Итни қувишга кўнгли бормади. Саксон марта қаласини тебратди, токи ит ўзи чиқиб кетсин. Итни ундан қувиб чиқармади. Шайх ҳазратлари шундан сўнг бир қоя тагини паноҳ тутди.

Ўша кеча жафо қилган зоҳид тушида пайғамбарлар султони – Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламни кўрди. Ул зот унга айтдиларким.

– Эй ғофил, сен шундоқ бир киши бирлан тортишмоқдасенким, ул бир ит учун уйини саксон марта тебратди. Итни қувиб чиқармади. Охири ўзи кетиб, уйи итга қолди. Ул бошқа бир қоя паноҳидан уй тут-

ди. Сенинг шунча молинг бор. Аллох Таоло хузурида сен шулар билан саодати абадий истармисен? Боргил, унинг хизмат камарини белингга боғлагил ва узр сўрагил, – дедилар.

Зоҳид уйғонди. Шайхнинг қошига борди. Қолган умрини унинг саодатли хизматида ўткарди.

* * *

Шайхнинг аҳлу аёлидан сўрадилар:

– Шайх ҳеч қизишиб ғазаб қиларми?

– Шайх бизга ҳеч ғазаб қилмас, бироқ биз ул кишига жаҳл қилиб озорлар эдик, – дедилар. – Биздан ул кишига озор етса, ўша куни янада яқинроқ тутар ва йиғлар эди. Айтар эдики «Илоҳи, мен тавба қилдим. Буларни сен яхшиликка йўллагил!» – дер эди...

* * *

Бир куни бир киши ундан сўради:

– Дунёда ҳеч адабдан яхши нарса йўқ, деб айтурсен. Энди бизга ўз адабингдан хабар бер.

Шайх:

– Шунча йилдан бери ҳеч ўз аёлларим олдида бурун қокмаганман, – деди. Бир киши бу хабарни эшитди-ю; «Бориб шайхни синайман», деди. Шайх кетиб бораркан, унинг изидан тушди. Шайх қайрилди-да, ул кишига қараб бурун қокди. У киши ўзи ўзига: «Шайх менинг кўнглимдан кечганини билди-ю, ўзини менинг андишамга терс қилиб кўрсатди, токи мен ундан нафрат этайин. Валилар шундай бўлади, дейдилар...» деб тушунди. Ва яна ўйлади: «Агар бул ҳақиқий валилардан бўлса, буни менга айтган киши ростгўй эдими ёки ёлғончи эдими – менга билдирсин».

Бу андишаси ҳали тугамай, кўнглида турган эди, шайх ортга қайрилди. Унга қараб.

– Эй ўғил! Буни сенга айтган киши ростгўй эди. Илло сен бизни синамоқни қўйгил-да, бориб Аллох билан машғул бўл! – деди...

Арабистонда илму хикматда беназир Шан деган бир ҳаким ўзимга ўхшаган бирор билимдон киз топилмагунча уйланмайман, деб аҳд қилган экан. Қайлик ахтариб оламни бир неча бор кезиб чиқса ҳамки, ўзига муносиб ёр тополмабди. Кунлардан бир кун шу ниятда сарсон – саргардон бўлиб юрган экан, бир одам ҳамроҳ бўлибди.

Шан ҳамроҳига:

– Сен мени кўтарасанми ё мен сени кўтарайми? – дебди.

– Ажаб бетамиз одам экансан, – дебди ҳамроҳи, – салламни зўрға кўтариб юрибман-у сени қанақа қилиб кўтараман!

Шан индамабди. Бир оз йўл юрганларидан кейин барк уриб яшнаб турган бир буғдойзорга етибдилар. Шан экинзорга қараб:

– Бу буғдойзорнинг донини еб бўлишдимикан? – деб ҳамроҳидан сўрабди.

– Тоза жинни экансан-ку! Буғдойи ҳали ўриб олинмаган нарсани қанақа қилиб еб бўлади?!

Яна Шаннинг нафаси ичига тушиб кетибди. Бир неча манзил йўл юргандан кейин улар тобут кўтариб бораётган оломонга дуч келиб қолишибди.

– Бу одам ўлдимикан ё ҳалиям тирикмикан? – деб Шан яна ҳамроҳидан сўрабди.

– Астағфирулло, умрим бино бўлиб сенга ўхшаган аҳмокни кўрганим йўқ, жаноза ўқилиб, қабристонга олиб бораётган ўликни бу тирикми, ўликми деб сўрайди-я! Қип-қизил аҳмоқ ҳам бунақа саволни бермайди. Қўй, менга бошқа гапирма, аҳмоқона гапларингдан кўнглим озиб кетаяпти, – дебди ҳамроҳи.

Шундай қилиб иккаласи «чурк» этмай йўлда давом этишибди. Йўловчи манзилига етгандан кейин, майли, бу ҳам бир мусофир экан, қилган кўполлигимни кўнглидан чиқарай, деб Шанни уйига олиб кириб,

меҳмон қилибди. Ўша одамнинг ҳусну малоҳат, ақлу фаросатда тенгсиз қизи бор экан, қизи дадасидан сўрабди.

– Ҳамроҳингиз ким, йўлда нималарни гаплашиб келдингиз?

– Эй, қизим, – дебди отаси, – кип-кизил бир аҳмоққа рўбарў келиб қолдим. Куракда турмайдиган, пойма-пой, мантиқсиз саволларни беравериб, тоза таъбимни хира қилди.

– Нима деди ахир? – сўрабди қизи.

– Мен билан кўришиши биланок: «Сен мени кўтарасанми ё мен сени кўтарайми? – деб сўради. Ўзим зўрға бораётган эдим, уни қандай кўтара олардим, қизим. Бир экинзорга етганимизда: «Бунинг донини еб бўлишдимикан? – деб сўраб қолса бўладими Учинчи саволи қабристонга олиб кетишаётган тобутни кўриб: «Бу тирикмикан ё ўликмикан?» – деб сўради.

Қиз отасига:

– Унинг кўнглини оғритиб, бекор қилибсиз. Бу сўзлар унинг жуда катта ҳақим ва зўр билимдон эканлигидан далолат беради.

Биринчи саволнинг маъноси шу: «Йўлнинг захматини камайтириш учун бирор нарса сўзлаб бера-санми ё мен айтиб берайми? Бу ернинг ғалласини еб бўлишдимикан деганининг маъноси шу: бу ғаллани эккан одам бирор судхўрдан қарздор бўлиши, унинг қистовидан тезроқ қутулиш мақсадида, бўғдой ўриши биланок тўғри бозорга олиб бориб сотиб, қарзига бериши мумкин. Мулоҳаза қилиб кўрсанг, экин пишишидан олдин еб кетилгандай бўлади. Тобутдаги мурдани ўликми ёки тирикми, деб сўраганининг маъноси шу: бу одам ўлганидан кейин ёдгорлик сифатида бирор фарзанд ёки шогирд қолдирдимикан, эслашга арзигулик бирор хайрли иш қилдимикан ёхуд жохил ва фосиқлигидан, ўлиши биланок ҳамманинг эсидан чиқди-кетдими?

Сиз дарҳол унинг олдига чиқиб, узр айтишингиз, зиёфат қилишингиз, айтган сўзларининг барисини

шархлаб беришингиз керак, акс ҳолда у сизни жоҳил ва ахмокка чиқариб қўйиши мумкин.

Шунда қизнинг отаси Шан ҳузурига чиқиб: «Йўлда мен паришонхотирлик қилиб саволларингга дурустрок жавоб беролмагандим. Ҳозир ҳаммасига бирма-бир, батафсил жавоб беришим мумкин», дебди.

Бунга жавобан Шан:

– Бу сўзлар сенинг табиатингга мутлақо ҳилоф. Яхшиси, айтчи, бу сўзларни кимдан ўргандинг ва бу сирлардан ким сени воқиф қилди? – дебди.

Қизнинг отаси нима дейишини билолмай, гангиб қолибди ва ростини айтишга мажбур бўлибди:

– Хусну малоҳат ва ақлу фаросатда тенгу тимсоли йўқ бир қизим бор, бу сўзларнинг маъзини менга ўша чакиб берди.

Бу гапларни эшитган Шан шунча йилдан бери кидириб юрган гавҳаримни энди топдим, деб суюниб кетибди. Отасининг розилиги билан қизни никоҳлаб олибди ва ниҳоят мурод-мақсадига етибди.

РОСТ ГАПИРИШНИНГ ХОСИЯТИ

Маърифатпарвар, илмли уламолардан бири бўлган Абдуқодир Гилоний болалигида ўқишга бориш учун онасидан ижозат сўради. Онаси ижозат берди, фақат қасрга бориб ўқишини сўради. Ёш Абдуқодир онасига ўша пайтларда Ислому дунёсининг илм-маърифат маркази бўлган Боғдодга бориб, ўша ерда ўқимокчи бўлганлигини айтди. Онаси рози бўлди. Она кичкина Абдуқодирни жуда севар, ундан айрилиши кийин бўлса ҳам Худо йўлида илм ўрганишини уйда ўйнаб юришидан яхшироқ деб тушунди ва ўғлининг хирқаси (тўни) ичига «тушиб қолмасин ва йўқолмасин», деб қирқ олтин тикиб қўйди. Ўғлига: «Ўғлим, ҳеч ёлғон гапирма. Мусулмонлик тўғрилиқ динидир, тўғрилиқдан айрилма (ҳамиша тўғри бўл)», деб насиҳат қилди.

Шундан кейин она-ўғил хайрлашдилар (бир-бирларидан розилиқ тиладилар), ёш Абдуқодир бир

карвонга қўшилиб йўлга чиқди. Йўлда карвон қаршисидан олтмишта отлик чиқиб тўсди. Булар йўлтўсар, карвонларни талайдиган қароқчилар тўдаси эдилар. Кўпчиликни ўлдирдилар. Қароқчилардан бири боладан нимаси борлигини сўради. Бола ёлғон гапирмаслик ҳақида онасига берган сўзини хотирлаб: «Қирқ олтиним бор», деди. Қароқчи боланинг кўлидан ушлаб бошлиқлари олдиға олиб борди ва: «Бу бола қирқ олтиним бор деяпти», деди. Қароқчилар бошлиғи «олтининг қани?» деб сўради. «Тўним ичида» жавоб берди бола. Бош қароқчи буйруғи билан тўнни йиртиб кўришди. Ҳақиқатдан ҳам унинг ичидан қирқ олтин чиқди. Қароқчилар бошлиғи ҳайрат билан: «Нега тўғрисини айтдинг, ёлғон гапирганингда олтинларингни кўтқариб қолган бўлардинг», деди.

Ёш Абдукодир кулимсираб:

– Ҳеч ёлғон гапирмайман, деб онамга сўз берганман, – деб жавоб берди.

Кўзлари қонга тўлган қароқчиларнинг бошлиғи синовчан назар билан Абдукодирнинг юзига тикилди. Бирдан қароқчининг кўзи очилди, ҳайрат ва ҳаяжондан кўзларидан икки томчи ёш сизиб чиқиб, юзига оқди ва меҳрибонлик билан:

– Қаранг, бу бола онасига берган сўзида турибди ва унга вафо қилмоқда! Мен эса шунча йиллардан бери Худога хиёнат қилиб келаман. Бу йигитча менинг халоскорим бўлди, мен барча разил ишларимдан тавба қиламан! – деди. Қалби, қаҳри тошдай қаттиқ бошлиқларининг атрофидаги қароқчилар баробарига:

– Шу кунга қадар йўл тўсиб, одам ўлдириб қароқчилик қилишда бошлиғимиз эдинг, энди гуноҳларимизга тавба қилиш ва яхши, хайрли ишларда бизга бош бўл, – деб ҳайқирдилар.

Бошлиқларининг буйруқлари билан карвонда кимдан нима олган бўлсалар қайтариб бердилар. Карвон эсон-омон йўлида давом этди. Қароқчиларнинг тоғ қояларидек қаттиқ тош қалблари юмшаб, тавба қилдилар. Қилган ёмон ишларидан пушаймон бўлдилар...

ЁЛҒОНЧИ ДУНЁ

Бир шайх ўтирган жойидан деразага бокиб, ёнида ўтирганларга дебди:

– Сизга ёлғон айтаман... фалончи ўтиб кетяпти.

Ҳамма ўрнидан туриб, деразадан ташқарига қарабди. Шайх кулимсираб:

– Мен сизларга ёлғон айтаман десам ҳам, ўринларингиздан туриб қарадингиз. Дунё ҳам шундай ёлғончидир, кўра-била ногорасига ўйнайверамиз!

АЛЛОҲ ИШҚИ

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларидан сўрабдилар:

– Аллоҳ ишқи нима?

Жавоб берибдилар:

– Мен бўл-да, бил!

ДОНИШМАНД ТЕЛБА

Боязид Бистомий ҳазратлари жиннихона ёнидан ўтаётганларида, бир табибнинг ҳовончада дори майдалаётганини кўриб:

– Беҳад гуноҳқорман, – дебдилар, – шу касалимга қарши доринг борми?

Табиб бошини кўтариб улгурмасдан, жиннихона панжарасидан қараб турган бир хаста жавоб берибди:

– Тавбанинг томири билан истигфорнинг япроғини аралаштир. Қалб ҳовончасида тавҳид тўқмоғи билан туйиб, майдала. Инсоф элагидан ўтказ, кўз ёш билан йўғир, ишқ тандирида пишир ва бомдод билан шом орасида кўпроқ тановул қил. Кўрасан, хасталигингдан асар ҳам қолмайди!

Бистомий ҳазратларининг кўзлари жикқа ёшга тўлиб дебдилар:

– Ё, Раббим! Бу дунё хастахонасида не табибларинг бор!!!

ОҚИЛОНА ЖАВОБ

– Қариб колдингиз, энди рўза тутмасангиз, токат келтиришингиз кийин бўлади, – деганларга Аҳнаф бин Қайс шундай жавоб бердилар:

– Аллоҳнинг буйруқларига токат килмоқ, азобига токат килмоқдан осонроқ.

ҲАР КИМГА МАҚСАДИГА ҚАРАБ

Тарих соҳасида жаҳон миқёсида тенги кам олимлардан бўлган Маҳмуд Каолдан сўрадилар:

– Сиздаги билимнинг ўндан бирига эга бўлмаганлар сиздан бир неча баробар кўпроқ танилдилар. Бунинг сабаби нимада экан?

– Мен билмоқ учун ўргандим, улар билинмоқ учун!

ДАЛИЛ ОЛДИДА ОЖИЗ ТАСАЛЛИ

Калтак еган болага тасалли берибдилар:

– Хафа бўлма, болакай, таёқ жаннатдан чиккан, яхши нарсаси!

– Ҳечам-да, – дебди бола йиғидан тўхтамай, – яхши бўлса жаннатдан чикмасди.

АРОҚ ЖАҲАННАМДА ЁНДИРАДИ

Бемор:

– Дўхтир, бу ароқ ички аъзоларимни куйдириб ташламадимикан-а?

Дўхтир:

– Ички аъзоларингни куйдирганини билмайман. аммо жаҳаннамда бир оз ёндириши мумкин.

ЗОЛИМ ШОҲ

Бир золим шохдан сўрадилар:

– Шунча одамни нега қатл эттиргансан?

– Аниғини билмайман-у, лекин улардан бир беада-
би бу жазога шунақаям лойик эдики...

ҲАР ЁМОНЛИКНИНГ БИР ЯХШИЛИГИ БОР

Махмат киркинчи Хўжадан:

– Ҳазрати Одам нега жаннатдан ерга туширилди? –
деб сўраганларида, у киши шундай жавоб берибдилар:

– Ёмон бўлибдимиз?! Икки киши келдилар. Иншо-
оллох, миллиардларча инсон билан қайтадилар. Жан-
натда колганларида, ҳамон икковлон юраверган бўли-
шарди.

– Аммо дўзахга тушадиганларнинг сони ҳам!..

– Шайтонга алданиб, имтиҳондан йиқилганлар-нинг
микдорини билмоқ муҳим эмас. Битта товукка йигир-
ма бешта тухум бостирсанг, ўн саккизтаси лук
чикканда ҳам, еттита товукка эга бўлмайсанми?!

ШУКРОНА

**Бир киши Муҳаммад бин Восийнинг оёғига чиқ-
кан ярани кўриб:**

– Сенга раҳмим келяпти, – деганида, у:

– Мен эса худди шу яранинг кўзимдан чикмагани-
га шукур қиялман, – дебди.

НОҲАҚ ҲУКМГА ҲАҚ ЖАВОБ

**Сукротнинг ўлимга ҳукм этилганини эшитган хо-
тини:**

– Сени ноҳақ ўлдиришяпти, – деб йиғлай бошлабди.

– Ўчир, – дебди Сукрот. – Ҳали мени ҳақ бўла ту-
риб ўлдиришлариини истабмидинг?!

БИР ҚУШНИНГ ҲАСРАТИ

**Ҳазрати Имом Али Ризо ҳазрати Алининг авлод-
ларидандирлар (Аллоҳ у зотлардан рози бўлсин).**

Солиҳ, заковатли бир киши бундай ҳикоя қилади:

«Бир куни Али Ризо ҳазратлари билан бирга бир уйнинг девори тагида ўтирган эдик. Бир оз суҳбат қилдик. Шу аснода бир қуш келиб, Имом ҳазратларининг тўғриларига кўнди ва сайрай бошлади. Қушнинг дардли-ҳасратли эканлиги кўриниб турар эди, Имом ҳазратлари мендан:

– Билсанми, бу қуш нима деяпти? – деб сўрадилар. Мен:

– Аҳли байт (яъни, ҳазрати Пайғамбаримизнинг авлодлари) яхшироқ билгайдир, дедим.

Шунда ҳазрати Имом:

– Бу қуш, мана шу уйда бир илон бор, у менинг болаларимни еб қўйяпти, деб айтмоқда. Тургул, уйга кир, ўша илонни топиб, ўлдир, – дедилар.

Мен ўрнимдан туриб, имом ҳазратларининг буйруқларига итоат этиб, уйга кирдим. Ҳақиқатдан ҳам, ичкарида бир илон айланиб юрган экан. Дарҳол бир таёқ билан илонни ўлдирдим...»

ЧУМОЛИ ВАТАНИГА ҚАЙТДИ

Авлиёларнинг улуғларидан бўлган ҳазрати Шайх Боязид Бистомий Ҳамадон шаҳрига борганларида у ердан заъфарон гулининг уруғини сотиб олдилар. Уруғни Бистом шаҳрига олиб келдилар. Уруғ ўрамини очсалар, унинг ичидан иккита чумоли чиқди. У зот чумолиларни кўриб.

– Мен бу чумолиларни ўз Ватанидан жудо қилибман-ку! – деб афсус чекиб, қайғурдилар. Аммо бу қайғулар ва афсус-надоматлар билан кифояланмай, чумолиларни олиб, яна Ҳамадон шаҳрига жўнадилар. Чумолиларни ўз юртида қолдириб, Бистом шаҳрига қайтиб келдилар!

ТИРИКЛИК ҲАНИМАТ ЭКАН

Бир киши денгиз сайрини орзу қилади. Кема дарғаси билан келишиб сайёҳатга отланди. У умрида денгизда сузмаган эди, аввалига мовий тўлқинларга

махлиё бўлиб, сувдан кўз узмай қолди. Кема денгиз ичкарисига кирган сайин тўлқин кучайди, ва ниҳоят кема сув сатҳида сандикдай ўйнай бошлади. Бунинг кўриб сайёҳда жон қолмади. У кема устунларини кучоклаб дод солди, Худога илтижо қилиб йиғлади. «Биродар, бунақа тўлқин хавфли эмас, кемага тушганининг жони бир дейдилар. Мана биз ҳам Аллоҳдан мадад сўраб ўтирибмиз, сабр қилинг», деб уни овутмоқчи бўлдилар. Лекин сайёҳ сафардошларининг гапига кулоқ осмади, баттар фарёд солиб ҳаммани безор қилди. Кемада кўпни кўрган бир доно киши бор эди. У сардорга деди:

– Агар хўп десангиз, у баттолни мен тинчитиб берайин.

Дарға дарҳол рози бўлди.

– Бу ношукурни тутиб сувга ташланглар, – деди ҳалиги киши, – аммо чўкиб кетмасин. Ўлдим деганда тортиб олинглар. Бир-икки марта денгизга отингларчи, не бўлар экан.

Сардорнинг амри билан сайёҳни сувга отдилар. У жон ҳолатда типирчилаб бақира бошлади. Чўкай деганда унга қўл чўздилар. У кемага чиқиб андак ўтмасидан тагин денгизга улоқтирдилар. Яна тортиб олдилар. Сайёҳ тавбасига таяниб, дир-дир титраганча бир чеккада жимгина ўтириб қолди. Денгиз қутуриб гувиллар, лекин бу бояги кўрқоқ сайёҳнинг парвосига ҳам келмасди.

Кема аҳли донишманд отахонга юзландилар.

– Таксирим, бу бадбахтга шунча насихат қор қилмаган эди, икки марта сувга тушиб чиқди-ю тинчиб қолди. Бунинг сирини айтинг энди.

Донишманд кулди.

– Одам боласи гоҳида тирикликнинг қадрига етмайди. Қачонки ўлим билан юзма-юз келсагина тавба қилади. Бу баттол ҳам ана шунақа тоифадан экан. Қаранг, энди у ғинг демайди, негаки жони ўзига омонат қолди-да.